


Йўлдош Солижонов

ВАТАН ОЗОД, ТУРМУШ ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД

«Фаргона» нашриёти,
2013 йил



УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў) - *Мана сессат*
C77

Солижонов Й.

ВАТАН ОЗОД, ТУРМУШ ОБОД, КЎНГИЛЛАР ШОД:
мақолалар, ибратли ҳикоялар, лавҳалар / Й.Солижонов. –
Фарғона: «Фарғона» нашриёти,
2013. – 72 б.

Ушбу рисола Фарғона вилоят Маънавият
ва маърифат кенгашининг ҳомийлигида
нашр этилди

Тақризчилар:

С. Мўминов

филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Ф. Турғунбоев,

фалсафа фанлари доктори

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилди. Бу ном замирида мамлакат ободлиги, турмуш фаровонлиги, рўзгор тўқинчилиги, тинчлик, осойишталик, кўнгли хотиржамлиги каби халқнинг орзу-умидларини акс эттирувчи неъматлар мужассамлашган. Кексаларимиз дуои фотиҳаларида “У дунё-ю бу дунёмиз обод бўлсин” деган муқаддас иборани бежиз қўшмайдилар. Ҳар бир инсон турмушини қанчалик обод қилса, кўнгли шунчалик шод бўлиб яшайди.

Рисола кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

10 42101
091

УЎК 323.(575.1)
КБК 63.3(5Ў)

2013/134 1 978 9943 2490 83-4

2013/134	Alisher Navoiy
2013/134	nomidagi
A	O'zbekiston MK
10484	

МУҚАДДИМА

Биз кириб келаётган янги – 2013 йилга мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболлини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишига қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон халқига янги йил табриги”дан.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб аташни таклиф қилди. Юртбошимизнинг таъкидлашича, асосий мақсад йилларга фақат чиройли ном бериш эмас, балки бу ном замирида “умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун”ни кўзлаган ҳолда буюк ишларни амалга оширишдир. Бинобарин, мустақилликка эришганимиздан буён ҳар йилга маълум бир номлар берилиб, йил мобайнида “тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш”дек эзгу мақсад-муддаолар илгари сурилган кенг кўламли дастурлар ишлаб чиқилипти ва изчил амалга оширилипти. Масалан, биргина “Мустақкам оила йили” деб аталган 2012 йил учун ишлаб чиқилган Давлат дастури бўйича Президентимизнинг айтишича, “барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани”ни ҳисобга олсак, “Обод турмуш йили”да кўзланган ишларни амалга ошириш учун ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфланиши турган гап.

Негаки, йилнинг номланишидаги “обод” сўзининг ўзи жуда кенг маънони англатади. Аввало, инсон бу ёруғ дунёга келар экан, унда эмин-эркин ва фаровон ҳаёт кечиришни истайди. Истагини рўёбга чиқариш учун ўзини ҳар томонга уради, тинмай меҳнат қилади. Орзусига етишнинг турли йўлларини излайди. Бу йўлларнинг қай бирини танлаш унинг маънавияти даражасига боғлиқ. Агар у ўз уйи, ўз юртини жон-дилидан севса, уни янада гўзал ва обод қилиш йўлидан боради. Уйи, қишлоғи, юрти обод бўлган инсоннинг кўнгли хотиржам, топгани баракали бўлади. Зеро, мухтарам Президентимиз айтганларидек, **“Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барақа ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади”** (кўчирмалар Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир”** номли маърузасидан олинди. *“ЎзАС”, 8.12.2012. № 49 /4188/*).

Инсон тасаввуридаги мана шу ободликни вужудга келтириш эса осон эмас. Ободликнинг миқёси кенг, маъноси чуқур экан, унинг қадрига етиш ва рўёбга чиқариш учун одамзод ўз мақсадига эришишни босқичма-босқич амалга оширишни режалаштириб олиши лозим. Шунда у толиқмайди, шошилмайди, маблағдан ҳам қийналмайди. Энг муҳими, қилаётган ишидан кўнгли тўлади. Чунки **“Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгиладан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб”** келаётир (И.Каримов. Кўрсатилган манба).

Хўш, кўнгилининг обод бўлиши учун нималар қилиш керак? Бу иборанинг замирида миллатлараро аҳиллик, қўш-

нилар билан тотувлик, бир оила аъзолари ўртасидаги ҳамжиҳатлик, бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва ҳамдардлик сингари ўлмас фазилатлар ётибди. Бу фазилатлар, шубҳасиз, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ўз маърузасида турмушимизни обод қилиш учун асосий эътиборни нималарга ва халқ хўжалигининг қайси соҳаларига қаратишимиз лозимлигини аниқ белгилаб ҳам бердилар. Булар:

“Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор”. Яширишнинг ҳожати йўқ, озодлик ҳукм сурган йигирма икки йиллик сермазмун фурсатда халқимиз бу табаррук сўзларнинг маъносига факат тушу-нибгина қолмади, балки уларнинг қадрига ҳам етди, рўёбга чиқариш учун амалий фаолият ҳам кўрсатди. Барчанинг кўнглида хушёрлик деган зийрак посбон пайдо бўлди. У ҳар доим кўзимизни очиб, атрофимизга назар ташлаб туришга мажбур қиляпти. Албатта, ҳукуматимиз ҳам барча масъ-улиятни фуқаролари зиммасига юклаб, ўзини четга олиб тургани йўқ. Ҳар бир маҳаллада, шаҳарларнинг ҳар бир муюлишида посбонларимиз бедорлик билан осойишталигимизни қуриқлаб турибди. Қишлоқ фуқаролари йиғини, маҳалла кўмитаси раҳбарлари кечани кеча, кундуз демай, керак бўлса, уйма-уй юриб, аҳоли осойишталигини кузатиб бормоқдалар. Шу боис кўнглимиз хотиржам бўлиб, беташвиш яшамоқдамиз.

“Обод турмуш йили”да амалга оширилиши шарт бўлган **иккинчи вазифа** бу – **“фаровонлик, тўқинчилик, мўлкўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик”**ни таъминлашдир. Юртинг тинч-осойишта, кўшнилари билан аҳил-инок яшаганингдан кейин вақтингни бекор ўтказмай меҳнат қилгинг келаверади. Зеро, фаровонлик, тўқинчилик,

мўл-кўлчилик, арзончилик ҳар бир кишининг меҳнати туфайли рўёбга чиқади. Одамзод учун ўзи ишлаб, пешона тери билан етиштирган маҳсулотдан тайёрланган таомдан ширини бўлмаса керак. Ҳозир ер оламан, деҳқончилик қилиб, ҳам ўз оиламни, ҳам қўни-қўшнимни, ҳам бозорни таъминлайман деган ҳавасмандга ҳамма йўллар очик. Қишлоқ одамлариники қўяверинг, қанчадан-қанча шаҳарликлар хоҳлаган жойидан истаганча ер сотиб олиб, мўл-кўл ҳосил етиштиряпти. Бозорга боринг! Нима йўқ у ерда?! Кўриб ҳам, олиб ҳам кўнглингиз яйрайди. Фақат бозорда эмас, ҳар бир магазинда янги келтирилган турли мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тахлаб кўйилган, уларнинг нархи бозордагидан фарқ қилмайди. Президентимиз бусиз ҳам юртимизда мавжуд бўлган бундай тўкинчилик, мўл-кўлчиликни тагин ҳам кўпайтириб, рўзғоримизга бундан-да кўпроқ кут-барака киритишни вазифа қилиб қўяётган экан, бунга “лаббай!” демайдиган фуқаро бўлмаслиги тайин.

Табиийки, бундай тўкинчиликка халқи саломат бўлган мамлакатгина эриша олади. Эл-юрт саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳукумат раҳбарларининг бош мақсадига айланганлигини “Соғлом авлод йили” (2000), “Сихат-саломатлик йили” (2005), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2006) номлари билан аталган йилларда амалга оширилган хайрли ишлар ҳам яққол исботлаб турибди. Умуман, қандай ном берилишидан қатъий назар, ҳар йили ишлаб чиқилган дастурларга аҳоли саломатлигини яхшилашга оид чоратадбирлар киритилиб, бу борада хайрли тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Баъзилар “даволаниш пуллик бўлиб кетди, пул бермасанг, биров сенга қарамайди” деб шикоят қиладилар. Кечирасиз-у, ўша пул тўлаб даволанишгача бўлган жараёнлардан нега бепул фойдаланмадингиз, дегим келади. Ахир, Сиз рўйхатга олинган поликлиника йилига бир марта бепул кўриқдан ўтказадим. Агар вақтида бормасангиз, ўзи чақиради. Ана шунда аниқланган касалингизни арзонгина (хатто бепул!) даволатиб олишингиз мумкин эди-ку! Эл-юрт

саломатлиги йўлида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар ўз натижасини кўрсатаётгани қувончлидир. Танаси соғ одамнинг яйраб-яйраб ишлагиси келаверади. Шунинг назарда тутган Президентимиз “Обод турмуш йили”да амалга ошириладиган **учинчи вазифа** сифатида **“инсон саломатлигини мустаҳкамлаш”** масаласини қўйдилар.

“Обод, ободлик” деган сўзларни эшитганимизда кўз олдимизга, шубҳасиз, янги турар-жойлар, текис ва равон йўллар, иссиқ-у совуқ сувлар, пориллаб ёниб турган газ плиталари-ю электр чироқлари келади. Уларсиз одамнинг кўнгли шод ва хотиржам бўлмайди. Шу боис **тўртинчи вазифа** килиб, **“Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш”**дан иборат долзарб вазифалар қўйилган. Бунинг ёрқин мисолини Фарғона шаҳри ва қишлоқларидаги ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин. Атиги ўтган уч йил ичида вилоятимизда истиқомат қилаётган 1325та оила шаҳар шароитидагидан қолишмайдиган замонавий уй-жойларга эга бўлганлиги ва яна жорий йилда вилоятнинг 28та массивида 700та ана шундай намунали уй-жойлар қурилиши якунига етказилаётганлиги бу борадаги ишларнинг қатъий режа асосида олиб бориладиганлигини кўрсатиб турибди. Мухтарам Президентимиз мазкур бунёдкорлик жараёнини 2013 йилда ҳам изчил давом эттириш, 29та массивда намунавий лойиҳалар асосида яна 700та уй-жойни сифатли ва ўз вақтида қуриб битказиш чораларини кўриш лозимлигини уқтириб ўтди (*рақамлар Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2012 йил 14 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияси материалларидан олинди*).

Ҳар бир оиланинг уйи янгиланиб, турмуши обод бўлгани сари у истиқомат қилаётган маҳалла ҳам кўркамлашади. Инсон (айниқса, ўзбек!) ўз ҳаётини маҳалла-кўйсиз, қўни-

қўшнисиз тасаввур қилолмайди. Шунинг учун ҳам миллатимизнинг ўзига хос менталитетидан келиб чиқиб, **бешинчи вазифа** сифатида “*ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти - бу аввало, маҳаллани обод қилиш*” деб белгиланди. Маҳаллани обод қилишнинг энг синалган ва қулай усули умумхалқ ҳашари ҳисобланади. Халқимиз ерга сал тафт кириши биланоқ ўз-ўзидан ариқ-зовурларни тозалаш, кабристонларга оро беришга киришади. Бу ишларни бажаришга одамларни ҳеч ким мажбур қилмайди. Маҳалла ахли ўз-ўзидан тўпланиб, хайрли ободончилик ишларини бажаришга киришаверади.

“Обод турмуш йили”да амалга оширилиши шарт бўлган **олтинчи вазифа** ҳурматли Президентимиз томонидан оила ва жамият бошқарувида аёл зотининг ўрни ва ролини янада оширишдан иборатлиги алоҳида таъкидланди. Чунки Юртбошимиз айтганларидек, “*ҳаётимизни янада соғлом ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш*”га боғлиқдир. Бунинг учун “хар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун турмушимизни фаровон этиш” йўлларини кидиришимиз, янги қурилаётган турар-жой биноларида барча қулайликларни муҳайё қилишимиз зарур. Ҳозир қишлоқлар ва шаҳар четларида барпо этилаётган янги турар-жойлар коммунал хизмат кўрсатиш қулайликлари жиҳатидан шаҳардаги уйлардан қолишмайди. Фикримнинг исботи учун бир мисол келтирай. Шахсан ўзим оилам билан 30 йил мобайнида кўп қаватли уйда яшадим. Нолиш – ношукурлик бўлар, чунки барча қулайлик етарли эди-ю, бироқ биз қишлоқда ўсган одамларга ҳаво етишмаётгандек туйилаверарди. Ота-оналаримиз эса бир кун ҳам туролмай қайтиб кетишарди. Яқинда бир танишимиз тўйга айтиб қолди. Биласиз, ҳозир кўпчилик ҳовли-жойи бўла туриб, бундай маърака-маросимларни саранжом-сарипталиқ, йиғинчоқликни ўйлаб ҳамда вақтини тежаб махсус

тўйхоналарда ўтказяпти. Биз таклиф қилинган манзил Ёрмозорга кираверишда қурилган янги маҳаллада экан. Бу уйларни илгари ташқаридан кўриб юрардим-у, ичкарасига қирмагандим. Тўй баҳона ҳовлига кирдик. Ҳовлиси ихчамгина бўлса-да, ниҳоятда батартиб. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювинадиган хона – ҳар бири алоҳида. Ҳовлига терилган стол-стуллар ва сўрига 50-60 киши бемалол жойлашади. Тўғриси, кўп қаватли уйдаги хоналарга бу рақамнинг учдан бирини ҳам жой-лаштира олмайсиз. Бу янги маҳаллага келиб ўрнашган одамлар бир-бирини илгари тушида ҳам кўрмаган. Шунга қарамай, улар тўйда шунақанги хизмат қилишяптики, халқимизнинг кўнгил олиш борасидаги анъаналари ҳали-ҳануз барқарор яшаб келаётганидан қувониб қайтдик.

Хуллас, 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилиши мамлакатимиз келажагининг буюқлигидан, том маънода ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун қилинаётганидан дарак бериб турибди. Шуларни ўйлар эканман, мухтарам Президентимизнинг Фарғона аҳлига қарата айтган қуйидаги меҳр тўла мурожаати қулоқларим остида жаранглайди: “Бутун юртимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни кўрганда, биз бекорга яшамадик, ўзимизнинг куч-ғайратимиз, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни мана шундай улуғ ишларга бағишладик, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан айтишга ҳар томонлама ҳақлимиз, десам, ўйлайманки, Сизлар ҳам бу фикримга қўшиласиз. Менинг тилагим битта: Фарғонанинг қиёфасини тубдан ўзгартираётган мана шундай обод ва чиройли шаҳар ва кишлоқлар шу саховатли заминда яшаётган Фарғона халқига буюрсин!” (“Фарғона ҳақиқати”, 19.12.2012).

Айтинг-чи, бундай юртда шукур қилиб яшамай, уни севмай, жонни унга фидо қилмай бўладими?!

МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб Юртбошимиз “Маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ” деган тамойилни илгари сурдилар ва ана шу йўлда астойдил иш олиб бордилар. Эндигина ўз қаддини тиклаб, тетапоя қадам ташлаётган бир пайтда халқининг корнини тўйдириш, устини бут қилишни эмас, айнан маънавиятни юксалтиришни ички сиёсатнинг бош йўналиши қилиб олишининг боиси нимада? Бу саволга мухтарам Президентимиз кўйидагича жавоб беради: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қандай бахт-саодат бўлмайди.” (И.А.Каримов. *Истиқлол ва маънавият*. Т., 1994. 9-бет). Бинобарин, халқимизнинг маънавий руҳини янгилаш, мустақкамлаш, уни янада ривожлантириш мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси сифатида тан олинди. Чунки “Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган” (И.А.Каримов. *Юқоридаги манба*).

Хўш, Президентимиз шу қадар жон кўйдириб, одамлар қалбига, онгига сингдиришга уринаётган “ҳаводек, сувдек зарур” бўлган **маънавият** нима ўзи?

Сирдан қараганда умумийроқ ва мавҳумроқ туйиладиган бу сўз замирида жуда катта маъно ётишини улуғ аждодларимиз қаламига мансуб илмий манбалар ҳамда луғатлардан билиб олишимиз мумкин. Жалолиддин Румий ҳазратлари ўзининг буюк асарини “Маънавийи маснавий” деб бежиз атамаганларини уни мутолаа қилган ҳар бир китобхон чуқур ҳис қилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўзаги “маъно, маъни” бўлган “маънавият” сўзининг “мазмун, тушунча, ғоя,

фикр” деган синонимлари ҳам мавжудлиги кўрсатилиб, “ахлоқий ҳолат, барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар” мажмуи эканлиги таъкидланган бўлса, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да: “Маънавият – инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида “маъно” сўзи ётади” деб шарҳланади.

Буларга қўшимча равишда Президентимиз И.А.Каримов маънавиятга “*Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир*” деб таъриф берадилар (“Юксак маънавият – енгилмас куч” асари, 19-бет). Юқоридаги манбаларнинг барчасида маънавиятнинг ахлоқ билан узвий боғлиқлигига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Чунки маънавиятли киши деганда энг аввало, дунёқараши кенг, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши билган ва уни ҳимоя қила оладиган, айни чоғда дунёвий ва диний билимлардан чуқур хабардор бўлган том маънодаги ахлоқи юксак даражада камол топган шахс тасаввур қилинади.

Маънавиятли инсон ҳар қандай вазиятда ўзининг қорнидан кўра кўпроқ кадрини ўйлайди (*халқимизнинг “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман” деган ҳикматли иборасини эсланг!*). Зеро, ақл-фаросатли одам қорнини қандай тўйдиришни билади, йўл, тадбир излайди. Тополмаса, сабр қилади. Ана шунда у ўзининг инсонлик қадр-қимматини сақлаб қолади. Ўзини қадрлаш бу – худбинлик эмас, аксинча, камтарлик ва камсуқумлик аломатидир. Бинобарин, ўз қадрига етган одам нодонлар даврасига қўшилмайди (*ақли етадики, нодонлар бугуни ўтганидан шодланиб, эртасини бой беради*), нопоклардан узоқда юради (*биладики, нопоклик рўзгорнинг баракасини учиради*). Маънавиятли одамнинг яшашдан мақсади аниқ бўлади, фаолиятини ана шу

мақсадини амалга оширишга йўналтиради. Бу йўлда учрайдиган қийинчиликлар ва тўсиқлардан чўчимайди, рухан тушкунликка тушмайди. Шу маънода сабр ва тоқат маънавийтли шахснинг икки қаноти бўлиб хизмат қилади. Билмадики, сабрсизлик шошқалоқликка олиб келади, шошқалоқлик эса масалани ўйламасдан ҳал этишга сабабчи бўлади. Ўйламай иш юритиш – билимсизлик оқибатидир.

Кўринадики, гап охир-оқибатда билимдонликка келиб тақалпти. Бу бежиз эмас. Негаки, маънавий сўзининг ўзгичини ташкил этган “маъно, маъни” билимли одамларгагина хос хусусиятдир (ахир, баъзи зотлар ҳақида “бамаъни одам”, “гапида маъно бор” дейишимиз бежиз эмас-да!). Отабоболаримиз мактаб ва мадрасаларда чуқур ўрганган мантик фанининг асосини маънавийт муаммолари ташкил этган. Улар фалсафа, тарих, ахлоқ асослари, ҳуқуқ ва яна кўплаб дунёвий ҳамда диний билимларни ана шу фандан ўрганганлар. Шу боисдан ҳам Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Алишер Навоий сингари ўнлаб буюк аждодларимиз асарларидан ҳозир ҳам барча соҳалар бўйича саволларимизга жавоб топа оламиз.

Бу сатрларни ўқиб, Сиз “демак, маънавийтли одам фақат олим бўлиши керак экан-да” деб ўйламанг, ҳурматли ўқувчи. Оллоҳ ҳар бир бандасига ақл-фаросат берган. Мана шу берилган илоҳий неъматдан яхшилик йўлида фойдалана олган ҳар бир киши маънавийтли бўла олади. Масалан, биргина саломлашишни олайлик. Сир эмас, яқин-яқинларгача кўча-кўйда бир-биримизга салом беришни унутиб қўйгандик. Шўро даврида фақат таниш-билишларгагина салом бериб, сўрашиш одат тусига кирганди (сахари-мардонлаб эса *“Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз”* дейишга мажбур эдик). Ортиқча куч ва тайёргарликни талаб қилмайдиган бу миллий фазилат аслида маънавийтлиликнинг муҳим белгиси саналади.

Академик шоир Ғафур Ғулом “Бир саломнинг кучи” нақадар қудратли эканлигини ниҳоятда ишонарли тас-
вирлаган. Унда ҳикоя қилинишича, “Яхши хулқлар ичида
олтмиш, етмиш йил пишиб, қалблари биллурдай пок”ланган
мўйсафидлар сўлим чойхонада ширин суҳбат куриб ўти-
ришганда маст бир одам кириб келади-да, бақириб, ҳақор-
ратлаб, аждар нафаси билан муҳитни булғайди. Натижада

*Чойга пашша тушгандай суҳбатга чўкди губор.
Мўйсафидлар суҳбати ола-говурда эриб,
Бир-бирга зимдан қараб, ичларида қаргашди.*

Гарчи уч-тўртта чапдаст йигит уни чойхонадан чиқариб
ташлаган бўлса ҳам гап гапга қовушмай қолди. Шу пайт
сукунат ва ғашлик чўккан чойхонага 1-босмаҳонанинг ҳарф
терувчиси Шомухтор кириб келади ва баланд овозда: “Ас-
салому алайкум, отахонлар! Кеча мояна олдик, шўрвами ё
палов” қилиб берайми деб, ҳамма билан бирма-бир сўрашиб
чиқади. Бу саломнинг кучи музлаб қолган юракларга аланга-
олов бўлиб,

*Учай деган гулхани қайтадан қилди чаман,
Суҳбат кўнглидай тиниб, самимий қилди давом...*

Шоир одамларнинг кўнглини обод, кайфиятини шод
қилган бир саломнинг қудрати ҳар қандай зиёфатдан ҳам
аъло эканлигига урғу беради.

Ҳозир қаерда бўлмасин, катта-ю кичикнинг қўлини
кўксига қўйиб, ҳурмат билан салом беришини кўрамиз ва
кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Айниқса, боқча болалари ва
ўқувчиларнинг бу борадаги одоби миллий қадриятларимиз-
нинг ёш авлод қалбидан мустаҳкам ўрин олаётганига ишон-
чимизни оширади. Айнан ана шу келажагимиз бағ-рида
маънавиятимизнинг барҳаёт куртаклари барг ёзаётганини
кўрганамда ҳурматли Президентимизнинг “...яна бир долзарб

вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Ахир, ёшлар халқ маънавиятининг ҳам маҳсули, ҳам келажаги” эканлигини ёддан чиқармаслигимиз шарт деган муҳим фикри амалга ошаётганидан хурсанд бўламан. Шуларни ўйлаганда беихтиёр атоқли файласуф шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг куйидаги тўртлиги ёдимизга келади:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
“Салом” деган сўзнинг салмогин оқланг!
Ўлганга юз соат йиғлаб тургандан –
Уни тиригида бир соат ёқланг!*

Афсуски, айрим одамлар ўз ҳаёти мобайнида кимгадир қандайдир ғараз, кин, ўч олиш нияти билан яшайди. Ҳатто ўзига кўп яхшиликлар қилган дўст-биродарларига ҳам пайти келганда ёмонлик қилишдан тоймайди.

Юқорида маънавиятли одамнинг яшашдан мақсади аниқ бўлади, умрини мазмунли ўтказиш йўлларини излаб топади дедик. Бу фикрга яна шуни қўшимча қилиш керакки, у бу борада фақат ўзинигина ўйламайди, балки даставвал оиласини, қолаверса, қариндош-уруғларини, дўст-биродарларини ҳам ортидан эргаштиради, уларнинг нима билан шуғулланаётганини кузатиб боради. Керак бўлса, беминнат ёрдамини аямайди. Маънавиятли одам ўзининг хушмуомалалиги, ширин сўзи, ҳалоллиги, инсофу адолатлилиги билан бошқаларга ўрнак кўрсатади. У виждон нима, ёлғону рост нима, ор-номус нима, ҳалолу харом нима – буларнинг барчасини фарқлай олади. Маънавиятли кишининг аввало, кўнгли тўқ, ўзига ишончи кучли, иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлади, бировдан кам эмаслигини билади. Чунки Ватанни севиш эса иймондандир. Бундай одамни енгиш асло мумкин эмас!

Энди билиб олдингизми, мухтарам Президентимиз нега маънавиятни иқтисодий омиллардан ҳам устун қўйганли-

гининг сабабини? Мана шу фазилату иллатларнинг моҳиятини англаб, қай бирига амал қилиши кишининг маънавиятини белгилловчи мезон ҳисобланади.

ЮРТ ОБОД – КЎНГИЛЛАР ШОД


Яқинда андижонлик биродарларимдан бири кўнғирок қилиб, “Эрта-индин Фарғонага бормоқчийдик. Сиз билан учрашиб, бир суҳбатлашиб келмоқчимиз” деб қолди. Хурсанд бўлиб, “Бажонидил, биродар, хоҳлаган пайтингизда келинг, кўришамиз!” дедим. Маълум муддат ўтгач, телефонда, “Биз келдик. Қаерда кўришамиз?” деб сўрадилар. Авваллари ҳам бир неча бор келгани учун уларни “Бемалол уйга келаверинглар, биласиз-ку!” дея ҳовлига таклиф қилдим. Ана кутаман, мана кутаман, қани меҳмонлар етиб келишса?! Илҳақ бўла бошладим. Кўнғирок қилиб, нега ҳанузгача дараклари йўқлигини сўрасам, “Э, домла, адашиб қолдик, шекилли. Уйингизни тополмаяпмиз. Нима қилишимизни билмай, аэропортда турибмиз” деса бўладими? Мен ўзим чиқиб, учрашдим. Дўстим хайрат ва ҳаяжонини яширолмасди: “Ахир, ҳали бу ерларга келганимга бир йил ҳам бўлгани йўқ-ку! Шаҳар шу қадар таниб бўлмас даражада тез ўзгариб кетибди-я! Янги уйлар, ҳашаматли бинолар, айланма кўчаларни кўриб, бошимиз ҳам айланиб қолди!”

Рости, дўстимнинг хайрати менинг кўнглимни ифтихор ҳиссига тўлдирди. Чиндан ҳам атиги бир йил ичида Фарғонамиз таниб бўлмайдиган киёфага кирди. Президентимиз ташаббуси билан Фарғона шаҳрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш дастури ишлаб чиқилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Ушбу дастурда Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳукуматимиз томонидан барча манбалар ҳисобидан бир триллиондан кўпроқ маблағ ажратилди. Қисқа муддатда ана шу дастур доирасида 164 миллиард сўм ва 12,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағ ўзлаштирилди. Натижада 11 километр узунликдаги шаҳар халқа йўли ва 2,8 километрлик

махаллий аҳамиятга эга автомобиль йўллари қайта таъмирланди. Агар бу иншоотлар ёнига 225дан ортиқ ижтимоий-маиший бино ва хизмат кўрсатиш объектлари, иккита кўп қаватли уй-жой, иккита бозор, бешта истироҳат боғи ва дам олиш хиёбонлари, 8та фаввора янгитдан барпо этилганлигини ҳамда ҳозирги пайтда жадал суръатлар билан қурилаётган минг ўринли Санъат саройи, беш юз тамошабинга мўлжалланган амфитеатрни, Мустақиллик кўчасидаги савдо маркази ва унинг атрофида хизмат кўрсатадиган объектлар қурилишини ҳам қўшадиган бўлсак, шаҳримиз киёфаси чиндан ҳам тубдан ўзгариб кетганига ишонч ҳосил қилиш мумкин (*рақамлар Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2012 йил 14 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияси материалларидан олинди*).

Одатда, ўзимиз кўз ўнгимизда рўй бераётган ўзгаришларни унчалик пайқамай юраверамиз. Чунки улар бизга кундалик ишимиз, машғулотимиз бўлиб кўринади. Лекин четдан қараганда шаҳар чиндан ҳам бутунлай бошқача кўриниш олди. Муҳтарам Президентимиз Фарғонани тубдан қайта қуриб, водийдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш ташаббусини бошлаб берганларидан руҳланган шаҳар аҳли астойдил ишга киришди. Ҳар бир киши, ким бўлишидан қатъий назар, ободончиликка ҳисса қўшиш ниятида қўлига иш куроли олиб, кўчага чиқяпти. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам қурувчилар-у фаррошларни иш устида учратиш кишини яна ҳам руҳлантириб юборар экан.

Иложи борича кўпроқ пиёда юришга одатланганман. Шаҳар кўчаларини кезар эканман, айни кунларда ободончилик йўлида амалга оширилаётган ишларни кўриб кўнглим яйрайди. Шаҳар коммунал хўжалиги ходимларининг эртадан кечгача тинмай кўча тозалаётганини кўриш мумкин. Энг муҳими, улар ободликка ҳисса қўшаётганидан қувониб, кулишиб, бир-бирларига хазил-мутойиба қилиб ишлаганини кўриш мумкин. “Ҳа, энди кўча тозалаш уларнинг вазифаси-да. Бизнинг вазифамиз бажарган ишлари учун мўмайгина маънавий рағбат бериб туриш ва уларнинг ишларини назорат қилиш ва баҳолаш” деди.



учун оғзи қулоғида” деган фикр ўтгандай бўлди кўнглимнинг бир четидан. Аммо...

Бир куни кечки пайт кўча супуриб, хазонларни бир жойга тўплаётган ўрта яшар аёлни учратдим. Ёнида бир йигитча (ўғли бўлса керак) ахлатларни этакка солиб, уюмга олиб бориб ташларди. Уни ҳам фаррошлардан бири деб ўйлаб, атай ёнига бориб, “Ҳорманг, синглим. Кеч тушиб қолибди. Бунинг устига бугун дам олиш куни бўлса. Уйингизда болаларингиз бувим қачон келиб, овқат қилади, деб кутиб ўтиришгандир? Бу юмушни ким буюрди? Ҳозир зарурми Сизга?” дедим. Аёл менга бир муддат тикилиб турди-да (билмадим, кўнглида мени “қанақа ишбузуқи одам экан бу!” деб ўйладими?), “Э, ака, уйда тинчи бўлмаган одам кўчага чиқадими? Кечки овқатни келиним қиляпти. Биз ўғлим билан кўчамизни тозалаймиз. Эрта тонгда бу йўллардан ўтган одамнинг кўнгли равшан бўлсин дейман-да!” Ишонмай, яна саволларга кўмиб ташладим: “Сиз фаррошмисиз? Бу ерларни ажратиб олганмисизлар? Қанча ойлик оласиз?” “Ие, қизиқ одам экансиз-у. Фаррош бўлса кўча тозалайди-ку, бўлмаса йўкми? Мен нафақаданман. Мана бу бизнинг уйимиз. Ўзбек уйининг олди ифлос бўлиб турса, кўнгли кир бўлади. Бу оиламиз шаънига ҳам яхши эмас. Мен ойлик учун ишлаётганим йўқ. Шаҳримизнинг янада обод, узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларнинг оғзини очиб кўядиган гўзал бўлиши учун озгина бўлса ҳам ҳисса кўшсам деб ишляпман” деди. Ҳа, кўнгил истаб турса, меҳнатингнинг самарасини кўриб, кўзинг қувонса, бундан ортиқ лаззат борми?

Сухбатдошимга омонлик тилаб, йўлимда давом этдим. Атрофга ютоқиб тикиламан. Ҳар қадамда авиакасса, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, турли русумдаги магазинлар, озода ва шинам ошхоналар учрайди. Ҳар бирининг олди, атрофи чиннидек тоза. Шунга қарамай, яна кимнингдир супуриб юрганини, дарахт ёки гул кўчатлари ўтказаетганини

кўрасиз. Яшайдиган, ишлайдиган жойинг озода, кўркам ва файзли бўлса яхши-да!

Тўғриси айтсам, илгари бутун шаҳарда биттагина авиакасса бўларди. Унинг эшигига ҳам ўклогдек харфлар билан “Билет нет!” деб ёзиб қўйиларди. Кассадаги лабига помидор тишлаб олган аёл билан келишсангиз, албатта билет “Есть!” қилинарди. Ҳозир-чи? Дунёнинг хоҳлаган мамлакатига шу ердан чипта сотиб олишингиз мумкин.

Мен Фарғонага ўтган асрнинг 60-йилларида келганман. Фарғона давлат педагогика институтининг талабаси бўлганимдан завк-шавким еру осмонга сиғмасди. Биз, ёшлар учун шаҳарнинг қулоч етмас чинорлари ва яна номларини билмайдиган турли кинғир-қийшиқ дарахтлари кўзимизга шаҳримизнинг гулгун либоси бўлиб кўринар, уларнинг куюк сояси остида ҳордиқ чиқариб роҳатланардик. Сал шабада келса, шовуллаши ажиб куй чалаётгандек сирли эшитиларди. Очиғи, биз Фарғонани чинорсиз тасаввур қилолмасдик. Эҳтимол, шунинг учундир, дастлаб чинорлар кесила бошланганда худди кадрдонидан айрилиб қолаётгандек хафа бўлдим. Ҳатто “шаҳарнинг чиройи чинорлар билан эди. Энди улар кесиб юборилса, шип-шийдам бўлиб қолмайдами?” деб гудраниб ҳам юрдим. Аслида бу чинорлар шаҳар хуснига куюк соя солиб турганини билмаган эканман. Тўғриси, чинорлар борлигида юз-икки юз метр нарини аниқ кўриб бўлмасди. Кундузи ҳам худди шом қоронғисиде юргандек хис қилардик. Чинорлар олиб ташлангач, кўчалар бирдан кенгайиб кетгандек, ёруғлик янада ортгандек бўлди. Ҳозир Ёрмозордан қарасангиз, бемалол вилоят ҳокимиятининг биноси гўё қўлини кўксига қўйиб, “Хуш келибсиз, шаҳримизга!” деб кутиб олаётгандек кўриниб турибди. Йўлнинг икки тарафидаги бир-биридан виқорли, ҳашаматли бинолар ҳавасингизни келтиради.

Илгари Фарғонани “уйқудаги гўзал” деб таърифлашарди. Биз, фарғоналиклар, гўзалимиз ухляпти, унга ҳалақит бермайлик, деб юраверибмиз. Натижада у узок йиллар ухлаб

ётаверган экан. Уйкудаги гўзалнинг хусн-таровати, қадди-қоматини тўла тасаввур қилиш қийин. Шу пайтгача унинг том маънодаги гўзаллигини кўролмасдик. Ҳаракатсизлик ҳар қандай вужудни емирилишга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз.

Истиклол шарофати билан гўзал Фарғона уйғонди. У бир керишган эди, хилвираб қолган эски кийим-бошлари, баданига ўрнашиб қолган чанг-ғуборлар дув тўкилиб кетди. Энди бу гўзалга янги, оҳорли, ҳали ҳеч ким шу пайтгача киймаган рангин ва умрбоқий либослар керак эди. Унинг гўзаллигини бутун дунёга кўз-кўз қилиш ташаббусқори Юртбошимиз бўлганлиги ҳам янада қувончлидир. Муҳтарам Президентимиз бу гўзалнинг қадди-қоматини тиклаш учун катта миқдорда маблағ ажратиб берди.

Ўтган ярим аср мобайнида Фарғонамиз энига ҳам, бўйига ҳам ғоят кенгайди. Бу ердаги ўзгаришлар менинг кўз ўнгимда рўй берди. Бирок ҳозиргидек бу қадар кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилганини эслолмайман. Умуман, мустақиллик одамларнинг ҳаётга қарашини бутунлай ўзгартириб юборди. Шўро давридаги “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” деган кайфият бутунлай барҳам топди. Ҳозир қимирламасанг – қийиласан деб, ўзини ўтга-чўкка уряпти ҳар бир киши. Топиб-тутиб, турмушини, ҳовли-жойини обод қилиш истагида тинмай уриняпти. Нафақат шаҳарлар-у туманлар маркази, балки энг чекка қишлоқларимиз ҳам кун сайин обод бўлиб бораётир. Бунинг ёрқин мисоли ўзим туғилиб ўсган қишлоқ. Риштон туманидаги Булоқбошига ҳар гал келганимда кўрганларим кўзларимни қувнатиб, кўнглимни яйратади. Кўчаларни пиёда кезаман: эҳ-е, менинг болалигим ўтган қишлоқ ҳудуди ҳозир ўн баравардан кўпроқ кенгайиб кетган! Биз мол боқиб, ўт ўриб юрган жойларда ҳозир қатор-қатор уйлар, уларнинг кўпи янгича лойиҳада қурилган. Ҳайрон қоламан: бу ўзим билган қишлоқми ёки янги шаҳарга келиб қолдимми?

Энг муҳими, ҳамқишлоқларим бу ишларни шунчаки ўзини кўрсатиш, “кимсан – фалончининг уйи” деб мақтаниш истагида эмас, балки ўзининг, бола-чақасининг эртасини таъминлаш ниятида хавас ва ҳафсала билан амалга оширяпти. Тўғри, ҳозирча шағал тўкилган бўлса-да, кўпчилик кўчалар асфальтланмаган. “Кўриб турибсиз, одамларимиз топганини уй-жой куриш, тўй қилишга сарфляпти,—дейди Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Иномхўжа Охунжонов.— Ҳозир кўчаларни асфальтлаб қўйсақ, янги қуриладиган уйларга шағал, тош-у тупроқ ташийдиган транспортлар уйиб юборади. Шунинг учун сабр қилиб турибмиз, бир кўчадаги уйлар тугал қуриб бўлингандан кейин асфальт ётқизмоқчимиз”. Чиндан ҳам кўпгина дарвозаларнинг олдида шағал, кум, тош ва бошқа қурилиш ашёлари уюлиб ётибди. Пули, имконияти борки, ҳашаматли уй қурыпти-да!

Бундан атиги 30-40 йил аввал кишлоғимизда фақат 2-3 киши машина минарди. Ҳозир ҳар бир хонадоннинг машинаси бор десам, муболаға қилмаган бўламан. Илгари туман марказига бориб-келиш қони азоб эди. Шахсан ўзим ўтган асрнинг 60-70-йилларида оилам билан 4-5 километргача пиёда юрганимни яхши эслайман. Ҳозир-чи? Қишлоқ гузарида ўнлаб енгил машиналар хизматингизга шай турибди. Хайдовчиларнинг ҳаммаси шу қишлоқнинг болалари, қўли кўксида, боши таъзимда. Хоҳлаган жойингизга олиб бориб қўйишади. Айтишларича, айти кунларда Боғдод ва Риштон туманлари автосаройлари Булоқбоши қишлоғи орқали юрадиган автобус йўналишини ишга тушириш тараддудида эканлар. Янаям қулай, янаям арзон бўлади!

Хуллас, яхши яшайдиган замон келди. Бунинг учун биринчи галда ҳалол меҳнат қилсанг, топганингни ақл-фаросат билан сарфласанг кифоя. Ҳеч ким Шўро давридагидек, “Қаердан топяпсан? Нега бошқалардан ўзиб кетяпсан?” демайди. Аксинча, “Қандингни ур, шоввоз! Обод турмуш йилида уйингни обод қилаётган экансан, бу маҳаллангни,

юртингни обод қилганинг. Ватани обод элнинг кўнгли ҳам шод бўлади” дейди.

Ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошган бу мулоҳазалар андижонлик дўстларимнинг хайрати ва мақтовидан кейин менга тинчлик бермай қўйди. Уларни шаҳар бўйлаб сайрга олиб чиқдим ва ўзим ҳам ҳали кўрмаган янгиликларни, қурилишларни, кенг, равон кўчаларни, шоду хуррамлик билан ободончиликка ёрдам бераётган одамларни кўриб, ич-ичимдан қувондим. Озод Ватан фуқароси эканлигидан фахрланиб, тинчлик-осойишталикка шукур қилиб, маҳалласини, турмушини обод қилиш нияти ҳар бирининг кўзидан, юзидан билиниб турибди.

Ана шу пок ният ҳаммага йўлдош бўлсин!

ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА...

Ҳа, баракалла, мақолнинг давомини тўғри топдингиз: кўчада ич. Нима, бу одамни мақтанчоқликка ундашми? Яъни “мана бу сенинг ҳалол топганинг, одамларга кўрсатиб қўй ўзингни” деганими? Ёки ҳаром-хариш йўл билан топган нарсангни ҳам бола-чақанг билан кўчада ичиб ўтирсанг, одамлар “қаранг, оши ҳалол экан, кўчада ичяпти деб ишонаверади” дея кўнглингга таскин бериш учун айтилганми? Йўқ, униси ҳам, буниси ҳам эмас. Хўш, гап нимада бўлмаса?!

Ҳар ҳолда оила Сизники, бола-чақангизни ҳалол ёки ҳаром лукма билан боқаётганингизни одамларга, қўни-қўшниларга билдириш-билдирмаслик Сизнинг хусусий ишингиз. Биров буни билиб – мақтагани ёки билмай – иғво қилгани билан турмуш тарзингиз ўзгариб қолмайди. Уларнинг гап-сўзларини эшитмаслигингиз, эшитсангиз ҳам парво қилмаслигингиз мумкин. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Лекин билиб қўйинг, ичингизда бир одам яшайди, у мудом Сизни кузатиб юради. Унинг таъқибидан ҳеч қачон қутила олмайсиз. Мабодо уни сал эсингиздан чиқарсангиз, баъзан овоз чиқариб, ўзининг борлигини сездириб ҳам туради. Фақат уни эшитмасликка, овозини ўчиришга урина кўрманг. Шундай қилсангиз, ишда обрўнгиз, уйда мавқенгиз тушиб кетади.

У нима дейсизми? Виждон-да, виждон! У жиғилдон деган балои нафс бандаси билан ёнма-ён яшайди, аммо бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ! Бири Сизни ҳалолликка тортса, униси ҳаром ботқоғига итаради. Қайси бирининг этагидан тутиш Сизнинг иродангизга, ақлингиз ва эътиқодингизга ҳавола.

Аслида одамзод организида Виждон, Жиғилдон деган аъзолар йўқ, уларни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб ҳам бўлмайди. Ёлғон бўлмасин, жиғилдон қушларда бўлар экан.

Бу ҳақда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Кушларнинг кизил ўнғачидаги овқат тўпланадиган ва юмшатадиган букоксимон кенг жой” деб изоҳ берилган. Кушларнинг топганини бутунича ютиб, кейин жўжаларига олиб бориш учун хизмат қиладиган бу тана аъзоси нафс кулига айланган одам зотига нисбатан “томоқ, курсок” деган кўчма маъноларда ишлатилади. Бу иборалар кўпроқ ахлоқий тушунчалар сифатида инсоннинг фазилати ёки иллатига нисбат берилади. Улар орасида яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва ҳаромхўрлик, ирода ва нафс деган йўллар ётадики, қайси биридан юриш истагингизга боғлиқ.

Келинг, аввал бу ҳақда бир ривоят тинглайлик.

Ровийларнинг ривоят қилишларича, топарман-тутарман, ҳалол-пок бир кишининг хотини ҳомиладор экан. Рўзғорида ҳамма нарса етарли, егани олдида, емагани ортида, аҳил-инок яшашаркан. Бироқ кўнгиладан, бунақа ҳолатдаги аёллар хоҳлаган нарсасини емаса, туғилажак чакалокнинг қулоғи “чиноқ” бўлиб қолармиш. Бир куни ўша аёл ҳам ҳовли айланиб юриб, баногоҳ кўзи қўшнисини деворидан осилиб турган бир бош узумга тушибди. Кўнгли суст кетибди, егиси келибди. Узум томонга бир кадам ташлаган экан, Виждон: “Тўхта, ахир, уйингда ҳар хил узумлар сероб-ку! Ўшалардан тўйгунча есанг бўлмайдими?” дебди. Жиғилдон эса: “Уйдагилар аллақачон эскириб, сўлиб қолган. Буни кара, тирсиллайди, сувликкина. Ола қол!” дея шипшибди. Аёл яна бир кадам ташлабди. Энди Виждон фарёд чекибди: “Бугунингги ўйлама. Соҳибининг розилигисиз ейилган таом татимайди”. “Кўйсанг-чи, биров кўриб ўтирибдими? Ол, олавер, кара, қандоқ мазали...” деб пичирлабди Жиғилдон. Аёл узумга қўл узатибди. Бир шингилани узиб олиб, лабига босибди. Ширин сувини сўриб, нафси ором олибди. Атрофига қараса, ҳеч ким йўқ, “Хайрият, биров кўрмади” деб уйига кириб кетибди.

Ой-куни етиб, аёл кўчқордек ўғил туғибди. Бироқ чакалок биринчи кунданок онасини эммай касалланиб, кундан кунга

озиб кета бошлабди. Эр-хотин кўп табибларга учрашибди. Лекин биронтаси ҳам бу бетоблик сабабини аниқлай олмабди. Охири ота боласини бир донишманд зотнинг ҳузурига олиб борибди. Ул зот гўдакни кўздан кечириб, шундай дебди:

–Рафиқангиз қачондир ҳаром лукма еб қўйган экан. Шунинг учун бола уни эмишни истамаяпти.

Эр дарғазаб бўлибди: ахир, у ҳалол меҳнати билан эмиш топиб келяпти-ку. Шу пайтгача бирон кишини норози қилиб ёки ёлғон ишлатиб топган нарсани уйига келтирмади-ку! Ҳаром қаердан кириб келди? У хотинини қисди-қафасга олибди. Аёл эса айбини эслолмай кўп азият чекибди. Охири ўйлай-ўйлай, ўша кўшнининг узумидан сўрамай татигани ёдига тушибди. Эр-хотин кўшнаникига кириб, узр сўрашибди, рози бўлинг деб узумнинг ҳақини тўлашибди.

Қарангки, шу кундан чақалоқ эмишни бошлаб, соғайибди, ўйнаб-кулиб вояга етибди.

Виждонли одам ўзини ўзи назорат қила олади, яхши амалларни бажариш, ёмонларидан сақланишга куч топа олади. Бу ҳақда атокли ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шундай ёзади: “Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув-туймакдан иборат маънавий қувватни айтулур. Виждон инсоннинг ақл ва фикрининг ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афёол ва ҳаракатини сезур”. Виждоннинг энг ишончли посбонлари инсоф, ҳалоллик, бурч, масъулият ва иродадир. Виждон буларсиз яшолмайди. Мабодо биттаси сустлашса ҳам унинг мувозанати бузилади ва ёмонлик томонга оғиш бошланади. У ҳаромдан ҳазар қилади, ҳаром аралашган жойда исён кўтаради. Айтганига унамасангиз, Сизга азоб бера бошлайди, танангизда сим-сим оғриқ кўзгайди. Қутилиб кўринг-чи! Бинобарин, мухтарам Президентимиз айтганларидек, инсон учун “...энг оғир жазо – виждон азоби. Ундан қутилиш

қийин” бўлади. Буни ҳар бир маънавиятли киши эсидан чиқармаслиги лозим.

Ҳалол ва ҳаром ўзбек халқига хос миллий-ахлоқий категориялар таркибига киради. Қарама-қарши маъноларни англатувчи бу сўзлар кўпинча ёнма-ён қўлланилади ва ҳар бир кишининг фазилати ёхуд иллатини белгилашга хизмат қилади. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да шарҳланишича, “Ҳалол ва ҳаром – ижобий ёки салбий деб баҳоланадиган диний, ахлоқий-ҳуқуқий нормалар”дир. Бу иборалар “кенг маънода ахлоқшуносликнинг тушунчалари” ҳисобланади. Ҳалол ва ҳаром категориялари жамият аъзолари зиммасига юклатилган ахлоқий-ҳуқуқий талабларнинг виждонан бажарилишини, аксинча, шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб ошқора ё пинҳона бузилишини англатади (қаранг: “ЎЗМЭ”, 11-ж., 2005).

Ҳалоллик ҳар бир бандани мўминга фарзи айн ҳисобланади. Бироқ оддий одамлардан ҳам кўра раҳбар шахснинг ҳалол бўлиши жуда муҳимдир. Мухтарам Президентимиз айтганларидек, *“Раҳбар одам – юртнинг отаси, катта-кичикка, бою-камбағалга бирдай муносабатда бўлиши лозим. Сохта обрў, асъаса-ю дабдаба кетидан қувган, босар-тусарини билмай қолган ҳар турли шахсларга хушёр кўз билан қараб, ўз шаънини пок сақлаб юриши керак”* (“Истиклол ва маънавият” китоби, 75-бет). Чунки раҳбар ҳар доим кўпчилик назарида туради, қўл остидагилар унинг қадам босишидан улги олади. Агар бошлик ноҳалол бўлса, ўша жамоани худо урди деяверинг! Ҳамма талон-тарож билан шуғуллана бошлайди, қўлига кирганини уйига ташийди. Ҳаром оилага ҳам кириб боради. Бу эса кейинроқ оиланинг жамғармасини ўпириб кетади.

Ҳалоллик виждон олдидаги жавобгарликни ҳис қилишни, инсоф билан иш тутишни, атрофдагилардан ҳеч нарсани сир тутмасликни талаб қилади. Президентимизнинг таъкидлашича, раҳбар одамда *“Аввало, виждон тоза бўлиши керак. Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб*

бўлмайди.” Айрим нопок шахслар амал курсисига ўтириши билан атрофига юлғичларни тўплаб, жамоа ҳақиға хиёнат қилишни бошлади. Бунинг оқибати эса шармандалиқ билан тугашини дастлаб ўйлаб ҳам қўймайди. Бу борада айниқса, конун-тартибот соҳасида хизмат қиладиган кишилар хушёр бўлиши керак. Чунки улар ҳар доим эл кўзида, сал адолатсизлик қилса ёки ножўя қадам босса, фуқароларнинг назаридан қолади, улардан ишончи сўнади. Баъзан айрим мансабдор шахсларнинг вазифасини суистеъмол қилиб, пора тариқасида бепул маҳсулотлар олаётганини кўриб ранжийсан, киши.

Янги йил арафаси эди. Биласиз, бундай кунларда ҳар бир киши дастурхонини антиқа ноз-неъматлар билан безаш тараддуида юради. Мен ҳам дўконма-дўкон юриб, йўл-йўлакай гўшт дўконига тўхтадим. Уч-тўрт киши навбатда турибди. Қассоб харидор истаган жойидан гўшт тортиб берапти. Шу пайт янги марқадаги чет эл машинаси тўхтаб, ундан баланд мартабали киши тушди-да, қассобга: “Яхши жойидан бир кило тортиб беринг” деди. Албатта, навбатда турганлар ранжишса-да, бу кишининг ишлари тифизлигини ҳисобга олиб индамади. Қассоб йигит ҳам уни куттирмай, гўштни тарозига солди-да, “Йигирма беш минг сўмлик бўлди, ака, майлими?” деди. “Майли, узатаверинг!” деб халтани олгач, қассобга қараб: “Биз шундай олиб кетаверардик” деди сирли оҳангда. Қассоб ҳам кўлини кўксига қўйганича “Майли, майли” деб қолаверди. Мен ҳайрон бўлдим: нега у “мен” демай “биз” деди? Демак, бу одам ўзининг ноҳалол луқмасига бошқа ҳамкасбларини ҳам шерик қиляпти-да! Сўнг навбатим етгач, қассоб йигитдан: “Бу одамдан нега пул олмадингиз? Қарзингиз бормиди? Ёки қўрқасизми?” деб сўрадим. У: “Йўк, қарзим йўк, лекин қандай қилиб сўрайман. Кейин келиб мени хит қилади-да” деди.

Бошқа бир гал машинага бензин куйиш учун навбатда тургандим. Ётай деганимда олд томондан бир қора “Нексия” келди-да, жойни эгаллади. Ҳайдовчи машинадан тушмай,

қўлини кўтариб сотувчига учта бармоғини кўрсатди. Бензин куйиб бўлгач, яна қўлини бир кўтариб қўйиб, машинасини физиллатганича ҳайдаб кетди. Мен ҳайрон бўлдим: ўзи навбатсиз келган бўлса. Бунинг устига пул тўламай куйиб кетса. Ё олдинроқ тўлаб қўйганмикан... Пул тўлаш учун кассага боргач, сотувчидан сўрадим: “Анави йигит ким эди? Нега пул тўламай кетди?” “Э, улар нозик жойда ишлайди. Қандай қилиб пул сўрайман” деди.

Демак, уларнинг қилмишлари сотувчиларни ҳам ёмонликка етакляпти. Чунки уларга тортиб берган гўштнинг, куйиб берган бензиннинг ҳаққини бошқалардан ўмариб қолади. Бизга ўхшаган “бе чора”лар улар учун “пул тўлаймиз”. Бирники мингга, мингники туманга деган нақл бор. Наҳотки, улар бу қилмишларидан уялмаса? Мансабини суиистеъмол қилиб, оиласини ҳаром луқма билан боқаётганини, бунинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини билармикан? Ахир, ҳурматли Президентимиз ҳар бир йиғилишда уларга “*Эътиқодда ҳам, ҳаётда ҳам ҳалол бўлайлик*” деб қайта-қайта уқдирадилар-ку! Нега бунга амал қилмаймиз? Ноҳалоллик аввало, ўша одамнинг ўзини, иймонини, эътиқодини ишдан чиқаради. Буларсиз жамоага кандок раҳбарлик қилади? Ноҳалоллик дастлаб яширин бўлиши, ҳеч ким сезмаслиги мумкин. Бироқ ўзини, бошқаларни алдаса ҳам Оллоҳни алдаб бўлмаслигини билиши керак-ку! Бир кунмас, бошқа кун боши тошга текканида нопок ишлар билан шуғуллангани учун шундай бўлганини тушунармикан?

Афсуски, “Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич” деган ҳикматли иборани бошқача тушуниб, суиистеъмол қилаётганлар ёшлар орасида ҳам йўқ эмас. Маълумки, ҳалоллик энг аввало, инсон хулқи билан боғлиқ. Ахлоқли киши ўзини қаерда, қандай тутишни, ким билан қай ҳолда муомала қилишни билади ва ҳар доим ахлоқий меъёрни сақлайди. Бироқ ёшларимиз ўртасида шундай бачкана қилиқларни амалга оширадиганлар учрайдики, хижолатдан ўзингизни қаёққа олиб қочишни

билмай қоласиз. Баъзан йўлларда, дам олиш оромгоҳларида ёш йигит-қизларнинг қўл ушлашиб юрганларини кўраман. Буниси-ку, ҳеч нарса эмас. Шундай ҳолатларга дуч келаманки, “Кўзим чиксун сени кўргунча бундок...” деб тескари қарашга мажбур бўламан. Куппа-кундузи одамлар гавжум йўлакчаларда айрим йигитлар кизнинг белидан қаттиқ қучоқлаб, ўзига ёпиштирганча сўзлашаётган (айримлари эса ўпишаётган!) бўладилар. Кўча-кўйда ёшларнинг бундай намоёишкорона қиликлари ҳозир “мода”га айланиб кетди. Айримлар яхши кўрган қизини кўчада – одамларнинг кўз олдида ўпишни эҳтимол, “ошим ҳалол, шунинг учун уни кўчада ичяпман” деб мактанмоқчи бўлсалар керак? Агар чиндан ҳам ўша қизга уйланмоқчи экан, аввало, уни ҳалола (шаръий никоҳдан ўтказиб) қилиб олиши даркор эмасми? Шундан сўнг ҳам тан маҳрам билан бўладиган алоқа хоҳлаган жойда эмас, балки ҳеч ким кўрмайдиган покиза жойда амалга оширилиши шарт-ку! Наҳотки, ҳозирги йигитларимизда рашк ўлган, аёлини асраш туйғуси йўқолган бўлса? Ахир, ҳалоллик шариатда Оллоҳ томонидан рухсат этилган ҳатти-ҳаракатлар ва ишлар билан ўлчанишини унутмаслигимиз керак. Ана шуларни кўрганимда қизларимизда андиша, ҳаё йўқолиб бораётганлиги, ўзбек миллатига хос урф-одатларимизга, миллий ахлоқимизга, орномусимизга доғ тушираётганига ачиниб кетаман. Бир пайтлар “Вафо хунари-ю меҳнат одати” бўлган “Бизнинг аёлларга ҳаё фазилат” (Ғ.Ғулом ибораси) эди. Бироқ бу каби манзараларни кўрганимда оналаримизнинг издошлари нега бундай ҳолга тушиб қолди деб изтироб чекаман.

Аждодларимиз маънавиятли одамнинг биринчи галда ҳалол бўлишини бош фазилат деб билганлар. Накшбандия тариқатининг “Дил баёру даст бакор” деган шиори ҳар бир банда ким бўлишидан қатъий назар, қўл меҳнати билан тирикчилик қилиши шарт деган ғояга асосланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг саҳийлик, ҳалоллик ҳақидаги ҳикоясини эсланг. Унда бир боғ ўтин териб келиб, шунинг пули

эвазига кунини ўтказадиган чолга бировнинг миннатли
ошидан ўзининг заҳматли меҳнати туфайли топган тийини
ҳалол кўринади.

Қанийди, ҳаммамизга ҳам мана шу фазилатлар доимий
йўлдош бўлса!

УСТОЗ ВА ШОГИРД ОДОБИ

Ҳаётда ёзилмаган, аммо унга амал қилинмаса, хунук оқибатларга олиб келадиган қонунлар бор. Шулардан бири устоз ва шогирдлик муносабатларидир. Халқ орасида устоз ва шогирдлик одоби, кадрияти, мулоқот шартлари ана шундай ёзилмаган қонунлар шаклида миллион йиллардан буён яшаб, камолга етиб, ривожланиб келаётир. Бирон бир касб эгаси йўқки, у устоз кўриб камолга етмаган бўлсин. Устоз ва шогирдлик ришталари жуда нозик бўлиб, сал қалтис ҳаракат қилинса, узилиши, кейин уланганда ҳам тугун қолиши мумкин. Ана шундай ҳол юз бермаслиги учун, аввало, шогирд устозига чексиз меҳр қўйиши, ишониши, унинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатини тушуниши, унга риоя қилиши шарт. Шогирд устозидан ўрганганларини маромига етказиб, мустақил иш бошлашдан олдин устозини рози қилиб, дуосини олиши ҳам одат тусига кирган. Дуо олмаган шогирдларнинг эса қосаси оқармаган, бири икки бўлмаган. Розилик олиш кўнгил ободлигини таъминлашдир. Шогирдидан кўнгли тўлган устозгина унга чин дилдан фотиҳа беради. Халқимиз “Устоз кўрмаган шогирд – ҳар мақомга йўрғалар” деган ҳикматли иборани бежиз тўқимаган.

Қуйида устоз дилини обод қилиб камолга етган шогирдлар ва аксинча, устозини норози қилиб юзи шувит бўлган шогирдлар ҳақида фикр юритамиз.

Шогирд устоз раҳбарлигида билим ёки ҳунар ўрганаётган муддатда унинг ҳар бир ҳаракати ва иш услубини, ҳатто нимани қаерга қўйиш, қайси томонига кўпроқ эътибор бериш ҳолатларини ҳам синчиклаб кузатиши талаб қилинади. Одатда устоз баъзан ҳунарнинг ҳар бир иқир-чиқирини ҳам айтавермайди, балки амалда кўрсатади. Эҳтимол, бу билан устоз шогирдининг ҳушёрлигини, синчковлиги ва кизиқшини синаб кўрмоқчидир? Шу синовдан муваффақиятли ўтган шогирднинг ошиғи, шубҳасиз, олчи бўлади.

Ривоят

Айтишларича, Лукмони ҳакимни йўқлаб кадрдон дўсти келибди. Ҳаким шогирдини чакириб, меҳмон учун чой ва таом тайёрлашни буюрибди. Иттифоқо, ўчоқ олдида ўтин тугаб қолган экан. Шогирд нима қилишини билмай йиғлаб ўтираверибди. Ҳали-бери чой ва таомдан дарак бўлавермаганидан ранжиган устоз ташқарига чикибди. Қараса, шогирди ўчоқ ёнида нима қилишини билмай, каловланиб ўтирган эмиш. Ҳаким ундан сўрабди:

—Нега шу пайтгача чойга ўт қаламадинг?

Шогирд қўл қовуштириб, устозига бунинг сабабини шундай тушунтирибди:

—Устоз, ўтин тугаб қолибди. Томдан ўтин олиб тушишим керак эди. Аммо мен гуноҳкор банда Сиздек устозим ўтирган хужранинг томига қайси юз билан оёқ босаман? Мени маъзур тутинг, устоз!

Шогирдининг садоқатидан мамнун бўлган Лукмони ҳаким уни дуо қилибди. Устоз дуосини олган шогирд камолга етибди.

Байт:

*Пири мугон адоқи (оёғи)нинг гардини кўзга сурма қил,
Кўз бу юришдан очилур, бил муни айни маслаҳат.*

Отойи.

Яна *ривоят қилишларича*, номи дунёга кетган подшоҳ мухташам минора қуриш ниятида узоқ юртдан машҳур бир устани таклиф қилибди. Уста ўзи билан бирга шу ҳунарини кўп йиллардан буён ихлос билан ўрганаётган шогирдини ҳам олиб келибди ва қурилишни бошлашибди. Устоз билан шогирднинг ҳалоллик ва сидқидилдан қилган меҳнати тўфайли ниҳоятда баланд ва ҳашаматли минора тез бўй чўзибди. Шундай минора оламда ягона бўлишини, у билан донг таратишни истаган шухратпараст подшоҳ усталарни ўлдириб юбориш мақсадида қайтиб чиқадиган эшикни беркиттириб ташлабди. Ношлож қолган усталар устознинг

таклифи билан минорага қўнган қушларни тутиб, гўштини офтобда қуришиб ейишиб, патларини тўплаб қанот ясай бошлашибди.

Бир куни қанотлар тайёр бўлиб, пастга учишибди. Устоз эсон-омон қўнибди-ю, бироқ шогирд ерга қўнаётганида қаттиқроқ урилиб, оёғи синибди. Шогирд бунинг сабабини сўраганида устози айтибдики, "Сен парвоз учун фақат қанот ясадинг. Эътибор бермадингки, мен ўзимга қўнишда мувозанатни сақлаш учун дум ҳам ясаган эдим."

* * *

Бошқа касбларни мутлақо камситмаган ҳолда айтиш жоизки, ҳунарлар орасида энг қийини илм ўрганишдир. Бу борада устоз танлашнинг ҳам аҳамияти катта. Аввало, устоз билан шогирд бир-бирига муносиб бўлиши, бир-бирини тушуниши лозим. Бунда кўпроқ масъулият шогирд зиммасига тушади. Негаки, шогирд устозини авайлаши, унинг ҳурматини жойига қўйиши, баъзи инжиқликларига чидаши, игна билан кудук қазишдек заҳматли ишга бардош бериши шарт.

Ҳикоят

Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишер Навоий билан шикорга отланибди. Бир мавзедан ўтаётганларида кўча четида ўйнаб ўтирган 4-5 ёшдаги болага кўзлари тушибди. Шунда Навоий ҳазратлари дарҳол отдан тушиб, болани бағрига босибди, ҳол-аҳвол сўрабди. Сўнг қўлини кўксига қўйганича ортига чекиниб, отга минибди. Ёш гўдакка кўрсатилган бундай иззат-икром шоҳда ҳайрат ва таажжуб уйғотибди. Сабабини сўраган экан, Алишер Навоий бу гўдак унга мактабда дарс берган устозининг чевараси эканини айтибди.

Байт:

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Навоий.

Мен ўқиган ибратлар

Иккинчи жаҳон урушидан кейин адабиёт ва унинг улкан намоёндаларига қарши яна ёппасига хужум бошланган эди. Ёзувчи Ойбекнинг уруш йилларида яратган “Навоий” романи ўша пайтдаги юксак Давлат мукофотига лойиқ топилди. Бирок ёзувчи бунинг роҳатини кўролмади.

Урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилиб, ёзувчи ва олим Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек унинг академикларидан бири этиб сайланди. Қоидага кўра ўз ижоди бўйича илмий-тадқиқот иши олиб борадиган аспирантларга академик-адибларнинг ўзи раҳбарлик қилишарди. Масалан, Садриддин Айний, Гафур Гулом, Ойбек, кейинчалик Уйғун, Комил Яшин кабилар ана шундай ҳуқуққа эга бўлишган. Ойбекнинг “Навоий” романи бўйича илмий тадқиқот иши олиб бораётган ёш аспирантлардан бири устозини юз-хотир қилиб ўтирмай, давр шамоли ва айрим иғвогарларнинг қутқусига учиб, романда тарихий ҳақиқат бузилганлиги, муаллифи эса “миллатчи”, “пантуркист”, “панисломист” сифатида ўша феодал даврни идеаллаштиргани тўғрисида республиканинг нуфузли газеталаридан бирида каттагина мақола эълон қилди. Ўз шогирди томонидан берилган бу зарба усиз ҳам хасталаниб юрган Ойбекни йикитди, инсульт бўлиб, бир томони ишламай, гапиролмай қолди.

Номардлик қилган шогирд эса йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида диссертациясини ёқлай олмади. Чунки устозига шаккоклик қилган бу кимсанинг ишини ҳеч қайси илмий муассаса қабул қилмади. Охири бир кишининг маслаҳати билан Ойбек домланинг уйига бориб узр сўради. Бағри кенг устоз нобакор шогирдини кечирди, академиядаги раҳбарларга хат ёзиб берди. Ойбекдек улкан ёзувчи ва олимнинг юзидан ўтолмаган илмий муассаса унинг диссертациясини қабул

қилиб, ҳимояга қўйди. У киши ёклади ҳам, дипломини олди ҳам. Бирок...

Устозни норози қилиб эришилган ҳар қандай ютук шогирдга обрў келтирмайди. Бу одам ҳам фан номзоди бўла туриб, бирон бир олий ўқув юртида адабиёт фанидан дарс беролмади, амал-тақал гоҳ тилшунослик, гоҳ педагогика, гоҳ психология фанларидан дарс бериб юрди. Кўпроқ умрини нашриётда корректор(мусахҳих)лик қилиб ўтказди. Одатда, ўтган асрнинг 60-70-йилларида фан номзоди бўлган олимлар катта илмий салоҳиятга эга кадр сифатида бу каби нашриётларда камида бўлим мудирини, ҳеч йўқса катта илмий ходим бўлиб ишлашарди. Мен бу одамни мана шу гуноҳкор кўзларим билан кўрганман: у озиб-тўзиб кетган, афтодаҳол бир қиёфада кўринар, ҳеч кимга қўшилолмас (тўғриси, ҳеч ким унга яқинлашмасди), бир четда худди бошқаларнинг кўзига кўринишдан хижолат чекаётгандек ерга қараб, кисиниб-кимтиниб юрарди.

Мен устозга тош отиб бўлмаслигини, бу тош бир кунмас-бир куни ўзига қайтиб, абгор этишини ўша кас тимсолида кўрганман.

Биринчи ибрат:

*Кимки устозини ихлос ила иззат қилса,
Ҳақ онинг манзилин жаннати ризвон айлар.
Жаҳлдин қаҳр ила устозин таҳқир этса,
Дўзах ўтида тану жонини бирён айлар.
Роқим.*

Ҳа, азизларим, устозга садоқатли шогирд бўлиш осон эмас. Юқоридаги илмий ходим-ку даврнинг бебақо шамолига бўйсуниб, устозининг юзига оёқ босди ва тегишли жазосини тортди. Уни ўша пайтда коммунистик мафкура шайтонлари йўлдан оздирган, қўлтиғига сув пуркаган, у эса билиб-билмай уларнинг ноғорасига ўйнаган дейлик. Бирок устоз ҳам Оллоҳнинг ожиз бир бандаси, у ҳам бошқалар сингарини хато

килиши, кайсар, ўжар ёки қўл остидаги шогирдларини қаҳр-ғазаб билан тарбиялашга одатланган бўлиши мумкин-ку! Бундай пайтларда шогирддан чин маънода бағри кенглик, хокисорлик, чидам ва сабр-тоқат талаб қилинади. Шуларни ўйлар эканман, бир даврада бўлиб ўтган суҳбат ёдимга келади.

Издихомда моҳир устанинг кўлида кўп йиллар шогирд бўлиб юриб, беназир камолотга эришган, ўзи ҳам айна чоғда талай шогирдлар тайёрлаётган одам тўрда ўтирган устозига караб, шундай деган эди:

– Устоз! Мен ҳозирги даражага Сиз туфайли эришдим. Эсингиздами, ишни яхши бажара олмасам, билакларимга, бармоқларимга дуч келган нарса билан урардингиз. Бир гал болға билан синчалоғимга урганингизда қонталаш бўлиб кетган, бир неча кун азоб чеккан эдим. Уйга бориб отамга шикоят қилдим. Отам эса мени олдига ўтқизиб, “Болам! Мен сени ўша устозингга эти Сизники, суяги меники деб бошдан-оёқ топширганман. Агар хунар ўрганай, рўзғорим бут бўлсин десанг, чидайсан. Бор, иккинчи марта бундай арз қилиб келма” дедилар. Шу-шу ёнингиздан жилмадим. Чидадим, ўргандим. Мабодо отам ўша пайтда тарафимни олиб, мени химоя қилганида ҳозиргидек бўлармидим, йўқми? Шукурки, ҳозир бой-бадавлатман, иззат-икромдаман. Бунинг учун Сизга яна бир бор ташаккур!

Шогирд шундай деб устозининг елкасига чопон ёпди. Устоз яна дуо қилди. Гап чопонда эмас, вафо-садоқатда, иззат-хурматда, меҳр-оқибатда, сабр-тоқатдадир. Яна бу ерда отанинг ролини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Айрим ёшларнинг ҳавойи бўлиб кетишида, уста кўрмаган шогирднинг ҳар макомга йўрғалашади, устозини менсимай қўйишида баъзи ота-оналарнинг тарафкашлиги сабаб бўлаётганлиги ҳам тарбияга салбий таъсир қилмай қолмайди. Буни унутмаслик лозим. Негаки,

Иккинчи ибрат:

Йўқлик оламидан олиб келди бу (ота),

Борлиққа қадамим шаън қўйдирди у (устоз).

Жомий.

Мен эшитган ибрат

Айтишларича, у ўзини ҳаммадан билимдон ҳисоблар, ҳамманинг ўзига эгилиб, тавоф қилиб юришини хоҳлар экан. Аммо ўзининг билганини бошқалар ҳам манфаат кўрсин деб эмас, балки шахсини кўрсатиш, билағонлигини тарғиб қилиш, мактаниш учунгина намоийиш қилар экан. Ҳар доим, ҳар ерда ўзидек “билағон” одамдан бошқалар фойдаланмай юришганидан шикоят қилар, аламзадалик ва кек унинг вужудида қондек оқаркан. Ана шу манмансираши, кадр талаблиги, ўзига ортиқча бино қўйиши ва кибру хавоси уни жамоасидан ҳам айирибди. У билан ҳамкасблари номигагина муомала қилар, тезроқ кутилиб кетишга уринар эканлар.

Бу кас ҳам устозини ранжитган, ўзи тарбиялаб, институтда олиб қолган, илм йўлига олиб кирган устозига тухмат қилган экан. Қандайдир илмий анжуманда ўқилган маърузаси юзасидан айрим камчиликларини холисона айтиб, уни тўлдириш, бойитиш йўлларини айтган устозини кўпчилик ўртасида билимсизликда, ўзининг гўё “янгилик очаётган”ини кўролмасликда айблабди. Шунда ҳам устози бағри кенглик қилиб уни кечирибди. Чунки у киши шогирдларига ҳар доим фан ана шундай баҳс-мунозаралар туфайли ривожланади деб ўргатар экан. Аммо бу илм бўйича ҳақиқий баҳс-мунозара эмас, шахсий адоватга айланиб кетибди. Шогирд устоз устидан тинимсиз шикоят қилиб, тухмат хатлар ёза бошлабди, ёнига ўзи сингари иғвогарларни тўплаб, ҳужумни кучайтирибди. Устоз шогирдининг тинимсиз шаккоклигидан ранжибди, дили оғрибди, оғир касалликка чалиниб, оламдан ўтибди.

Афсуски, ўша кимса ўзини қаерда қандай кўрсатишни билар экан. Домланинг дафн маросимида энг кўп куйган “ўша”, тобутнинг олдига тушиб йиғлаб борган ўша, устозининг фазилатларини кўпиртириб энг кўп гапирган ўша бўлибди. Хайриятки, кўпчилик унинг кимлигини, қандай “кароматлар” соҳиби эканлигини билишгани учун унга бепарво қарашибди. Оқибат шу бўлибдики, “шогирд” пенсия ёшига етмай туриб ишдан кетибди, адабиётдан узоқлашибди. Баданига оқ тушибди. Аммо у кас бу кўргуликлари устозини норози қилганлиги туфайли эканини тан олгиси келмайди. Кибр отидан ҳануз тушгани йўқ – бир кўлида жилови, бир кўлида игво қамчиси, яна кимнидир савалагиси келиб туради. Шукурки, қамчисининг сопи синган.

Учинчи ибрат:

*Илми ким воситаси жоҳ этар,
Ўзини ҳам халқини гумроҳ этар.*

Навоий.

Мен гувоҳ бўлган гуноҳ

У факультетимизда ўқиди. Ўша пайтда таниқли адабиётшунос, бағри кенг инсон Азимжон Раҳимов факультет декани эди. Домла талабалар билан тез киришиб кетар, уларнинг қизиқиши ва салоҳиятини тез илғаб оларди. Лекин баъзан домла одамнинг сиртига қараб, ортиқча баҳо бериб юборар, шогирд танлашда адашар, кейин бунинг жабрини тортиб юрарди. У ҳам Азим аканинг ана шу томонидан усталик билан фойдаланди. “Устоз” деб унинг пинжиги кирди. Сохта лаганбардорлиги-ю хушодади, сунъий садоқати билан домлани ишонтирди. Битиргандан кейин икки йил ўтиб, Азим ака уни ишга таклиф қилди. Дастлаб кафедрада лаборант, кейин ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Ўзини бинойидек кўрсатиб юрди. Домлага янада яқинлашди, кўйнидан кириб, қўлтиғидан чиқа бошлади. Шогирдининг

муносабати-ю, ялтокланишига чиндан ишонган Азимжон Раҳимов Тошкентга олиб бориб, ўзининг якин дўсти, энг машҳур адабиётшунос олим билан таништирди. Расман ўша домла илмий раҳбарлик қилса ҳам барча ишни Азим ака бажарди, нобакор шогирдининг диссертациясини бошдан охиригача ўзи таҳрир қилди, киёмига етказиб берди. Тез орада у фан номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Кейин бирдан ўзгарди.

Тап тортмай шу пайтгача “Сиз менинг маънавий отамсиз. Сиз мени шу даражага кўтардингиз” деб ялтокланиб юргани устозини таҳқирлашга, камситишга, уни кафедра мудирлигидан бўшатиб, ўрнига ўзи ёки бошқа бир яқинрок одами-ни қўйишга ҳаракат қила бошлади. Бу ғараз мақсадини амалга ошириш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмади. Ёнига ўзига ўхшаган нонтелки кимсаларни тўплади ва фитнани кучайтирди. Шу даражада юзсизлик қилдики, кўпчилик олдида уялмай-нетмай домлага қараб: “Отаммасиз! Кечдим сиздака устоздан” дейишгача борди.

Азимжон Раҳимов таъсирчан одам эди. Ўзи ишонган, беминнат тарбиялаб вояга етказган бу “шогирди”нинг бетга чопарлигини кўтара олмади. Инфарктга учраб, оламдан ўтди. “Шогирд”га эса устознинг қарғиши тегди шекилли, кўп ўтмай ишдан ҳайдалди, машинасида аварияга учраб майиб бўлди. Ҳозир уни ҳеч ким эсламайди, эсласа – кўнглида кир қолади.

Тўртинчи ибрат:

*Нокасу ноҳсинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.*

*Ким кучук бирла хўтукка неча қилса тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.*

Навоий.

Устозини норози қилган бу уч *манфур* кимса тақдири ҳақида ўйлар эканман, улуғ мутафаккир Шайх Саъдий Шерозий ҳазратларининг қуйидаги байти айнан ана шундай гумроҳ “шогирдлар”га қарата айтилгандек туйилади:

*Саъдиё Шерозиё, панде макун гумзодро,
Гумзод агар оқил шавад, гардан занад устодро.*

Мазмуни: “Эй, Саъдий Шерозий, сен зоти наст одамларга панд-насиҳат қилмагин. Чунки бундай кимсалар ақлини танисалар, энг аввало, устозларининг ёқасидан бўвадилар”. Зеро, халқимизда “Ота рози – Оллоҳ рози” деган ҳикматли ибора бор. Устоз отадан улуғ саналган. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳам “Шогирд агар шайхул ислом, агар козидур, агар устод андин розидур, тенгри розидур” деб бежиз айтмаган. Демак, устознинг розилиги шогирдни камолга етказса, норозилиги заволга олиб боради. Бундан айникса, ёшлар тегишли хулоса чиқарадилар, деган умиддаман.

Хулоса:

*Етсанг ҳамки камолга, устозингни унутма,
Бошинг тегса ҳилолга, устозингни унутма.
Устоз улуғ отангдек, чиқарма хотирангдан,
Жавоб топ бу саволга, устозингни унутма.
Пири комил муаллим, софликдан берар таълим,
Мудом ўрнак мисолга, устозингни унутма.
Ҳар сабоги бир дунё, кўрсатган йўли – зиё,
Етганингда иқболга, устозингни унутма.*

БАДИЙ АДАБИЁТДА ОБОД ТУРМУШ ТАЛҚИНИ

Адабиёт пайдо бўлганидан буён шахс озодлиги, юрт ободлиги, кўнгил шодлиги масалаларини хормай-толмай куйлаб келаётир. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг илк намуналаридан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Халқимиз ҳар доим ўз турмушини обод қилиш йўлларини излаган. Унинг обод турмуш ҳақидаги орзулари “Сусамбил”, “Маликаи Ҳуснобод” каби эртакларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ёзма адабиётда эса турмушнинг обод ва фаровонлиги кўнгил шодлиги, уни эҳтиёт қилиш ғояси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирланади. Бунга буюк Шарқ адабиётининг ҳар бир вакили ижодидан, ҳар бир адабий ёдгорликдан кўплаб мисоллар топишимиз мумкин. Биргина ҳазрат Алишер Навоий ижодига мурожаат қилишнинг ўзи бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларимизни исботлашга тўла материал бера олади. Зеро, мухтарам Президентимиз айтганларидек, *“Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини теран ифода этган Навоийдек шоир”* (“Юксак маънавият-енгилмас куч”, 47-бет) ижодидан мамлакатни обод қилиш биринчи галда инсон кўнглини олишдан бошланиши ҳақида жуда муҳим мисолларни топишимиз мумкин.

Масалан, улуғ шоирнинг лирик мероси жамланган “Ҳазойин ул-маоний” девонини олаимизми, “Хамса”га киритилган беш мухташам дostonни мутолаа қиламизми ёки “Маҳбуб ул-кулуб”, “Муншаот”, “Тарихи мулуки Ажам” сингари маърифий-тарихий асарларига мурожаат қиламизми, барибир, ҳар бирида турмуш ободлиги тўғрисида юксак бадий образлар орқали муҳим мулоҳазалар илгари сурилганига гувоҳ бўламиз. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро салтанатида бош вазир лавозимида ишлаб юрганида ҳам, Астробод

вилояти ҳокими бўлиб турганида ҳам, сарой ишларига аралашмаган пайтларида ҳам юрт ободлиги, кўнгил шодлиги йўлида ғоят хайрли ишларни амалга оширганлиги кўплаб манбалардан маълум. Бу борада унинг замондошлари Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Зайниддин Восифийлар Навоийнинг олий ҳиммати, саховати, фақиру фуқаро, етим-есирларга муруввати туфайли обод бўлган манзиллар, шод бўлган кўнгиллар ҳақида ғоят ибратли воқеаларни баён қилганлар. Уларнинг асарларидан биз Алишер Навоийнинг кутубхоналар, шифохоналар, ҳаммомлар, мадрасалар, ғарибу ғураболарга ўнлаб турар-жой бинолари қуриб берганлигини, ариқлар қаздириб маҳаллаларни сув билан таъминлаганини билиб оламиз.

Алишер Навоий бундай амалий фаолияти билан халқ кўнглини обод қилиб, унинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилишини жуда яхши билган. Улуғ шоирнинг:

*“Қимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борқим, Каъба вайрон бўлса обод айлағай”.*—

байти унинг амалий фаолиятида оддий одамларнинг кўнглини олишни ўзининг шахсий манфаатидан устун қўйганлигини исботлаб турибди. Шу билан бирга Навоий бутун фаолияти мобайнида ҳам ўзининг бевосита маслаҳати, йўл-йўриқлари, ҳам асарларида тасвирлаган бадиий образлари орқали Ҳусайн Бойқарони мамлакат ободлигини, эл-юрт осойишталигини таъминлашга ундаб келган. Менинг назаримда, Алишер Навоийнинг қуйидаги рубоийси айнан бир-бирлари билан узлуксиз равишда тож-тахт талашиб, мамлакатни вайрон, эл кўнглини гирён қилаётган темурийзодаларга қарата айтилган мурожаатдек туйилади:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво ўти барафтод (йиқилмоқ, қуламоқ)
ўлмас,*

*То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Зеро, инсониятнинг шоду хуррам ҳаёт кечирмоғи, обод турмушни йўлга қўймоғи учун энг аввало, одамзод (айниқса, подшоҳлар!) хирс ва хавас чангалидан қутилмоғи, нафсини жиловламоғи, қўл остидаги одамларга, қўни-қўшниларга зулму ситам қилишдан тийилмоғи шарт. Бу шартларга амал қилмас экан, ҳеч қачон “эл шод ўлмас, мамлакат обод бўлмас”.

Маълумки, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида ободлик масаласига кўп эътибор берилади. Айтиқса, султонлар фаолиятига бағишланган 16-боб (3-мақолот)да шоир мамлакатни адолат билан бошқариш, фуқаросининг кўнглини обод қилиш подшоҳнинг асосий вазифаси бўлиши шарт деган фикрни изчил илгари суради. Ана шундагина унинг адолати ва меҳридан миннатдор бўлган фуқаро ўз султонига садоқатли бўлади. Бинобарин, султонларнинг адолатли ва яхши ахлоқ эгаси бўлиши юрт ободлигининг гаровидир.

*Адл ила олам юзин о б о д қил,
Хулқ ила олам элини и ш о д қил.
Шаҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни о б о д этар.*

Навоийнинг таъкидлашича, тахтда ўтирган шох ҳам Оллоҳнинг бир бандасидир. Шунинг учун у ўзини қўл остидагилардан баланд олмаслиги лозим:

*Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидан ожизу афғандасен.
Эрмас алар тупроғу сен нури пок,
Хилқат аларгау сен тийра хок.*

Шундай қилиб, Оллоҳ сенга давлат бериб, қўлингни баланд қилиб қўйган экан,—деб давом этади Навоий,—асло зулм йўлини тутмагил. Агар сен элга зулм айласанг, шуни билгилки, кўпроқ ўзингга зулм қилган бўласан. Шуни ёдингдан чиқармагилки, Ҳақ Таоло сени адолат қилиш учун султонлик рутбасига лойиқ топгандир. Бас, “Зулм ила сен халқни вайрон этиб” қўймагин. Агар шу йўлдан юрадиган бўлсанг, унутмагилки, ҳолинг вой бўлғусидир:

*Ул сени маъмури ибодат қилиб,
Сенга лабу лаҳви одат қилиб.
Нега бу беҳудлуқ ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг ўзунгга, вой.*

Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқарони мамлакатни адолат билан бошқариш, фуқаросининг кўнглини олиш учун ўз жонидан ҳам кечадиган шоҳ сифатида тасвирлайди. Бу ҳақда шоир қуйидаги воқеани ҳикоя қилади: Шоҳ Ғозий Баҳодирхон Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллач, юртни адолат билан бошқаришга киришди. Ҳар куни у шаҳар ва қишлоқларни кўздан кечириб, фуқароларнинг ҳолидан хабар олар, уларга зулм ва зўравонлик қилувчи бек ва амалдорларни шафқатсиз жазоларди.

*Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни дафъи этди адолат била.*

Шоҳнинг бундай адолатли бошқаруви туфайли юрт кундан кун обод, кўнгилар шод бўлиб бораверди. Шундай кунларнинг бирида Шоҳ Ғозий ҳузурига бир кекса, афтода кампир келиб, ҳукмдорнинг этагидан маҳкам тутди ва ундан хун талаб қилди: у нолаю афғон чекиб, оҳ тортиб дедики: “Эй шариятпаноҳ шоҳ! Агар адолат билан иш кўриладиган бўлса, мен сен билан шарият бўйича даъволашаман. Шарт шуки, қаҳринг келмасин, саволларимга шарият маҳкамаси бўлган

козихонада жавоб бер.” Шунда шоҳ кампирга караб, “Агар даъвонг мендан қасос олиш бўлса ва буни шариат тасдиқласа, бош устига. Мен жонимни беришга тайёрман” деди ва икковлон қози ҳузурига бордилар. Кампирнинг даъвосига кўра, Султон Ҳусайн тож-тахт талашиб юрган пайтларида бўлган жанглардан бирида кампирнинг якка-ю ягона ўғли унинг тиғидан ҳалок бўлган экан. Шунинг учун шоҳдан шариат қонунига кўра хун тўлашни талаб қилди. Улар адолат қозиси олдида жавоб бердилар:

*Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,
Ҳар сори ҳайрат била эл турдилар.*

Қози кампирдан ўз даъвосини исботлаш учун иккита гувоҳ келтириши лозимлигини айтди. Кампир ўғли билан жангда бирга бўлган икки гувоҳни келтирди ва улар онанинг даъвосини тасдиқладилар. Шундан сўнг қози адолатли ҳукм чиқариб, кампирнинг даъвосини тасдиқлади ва шариат талабига кўра хон хун тўлаши лозим деб ҳукм чиқарди. Шоҳ: “Шариат шундай ҳукм қилган экан, пайғамбар шариатининг ҳукмига жонимни фидо қиламан” деди-да, кампирнинг олдига қилич билан бир халта тилла қўйди: “Агар ниятинг қасос олиш бўлса, мана бош. Йўқ, агар болаңг хуни учун олтин керак бўлса, истаганингча ол!” Кампир подшоҳнинг мардлигидан ҳайратда қолди ва

*Дедики: “Эй хисрави анжум сипоҳ,
Гар йигитим қилди фидо жон санга,
Мен қари жони доғи қурбон санга.*

Сендек марҳаматли шоҳга изтироб етказганим учун мени авф қилғил, мен сенинг адолатинг олдида бўйин эгдим”. Шундан сўнг бу аёл “Золи зар” (“Тилла кампир”) деб ном олди. Навоий Шоҳ Ғозий оддий фуқаросининг кўнглини обод

килганидан хурсанд бўлиб соқийга “Адл аёгин тутки, бўлуб шод ичай, Одил дaвронни қилиб ёд ичай” деб мурожаат қиладики, бу фикримизни таъкидланган ибора исботлаб турибди.

Шу билан бирга Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида ўзи таваллуд топган Ҳирот шахрини ер юзининг сайқалига айлантиришни орзу қилган ва кўп жихатдан бу мақсадига эришган. Бу каби мисолларни Навоий ижодидан жуда кўп келтириш мумкин. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, султон Ҳусайн Бойқаро ҳам дўстининг сахийлиги ва тадбиркорлигини яхши билгани учун ўз қарамоғидаги айрим хароб ва қаровсиз қолган манзилларни ғазал мулки султонининг ихтиёрига топширар, шоир эса ўз навбатида ақлидроки, тадбиркорлиги, адолатпарварлиги туфайли ана шу ерларни жаннатмакон гўшаларга айлантирар экан.

Шунингдек, Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Ҳокон, Фарҳод, Меҳинбону, “Садди Искандарий” достонида шоҳ Искандар, тарихга оид асарларида тилга олинган Нўширавони одил, Фаридун сингари юрт ободлиги, эл шодлиги учун астойдил курашувчи кишилар образини меҳр билан яратди ва ўз замонасидаги айрим амалпараст, жоҳил шахзодаларга ибрат қилиб кўрсатди.

Шуниси қувонарлики, Навоий анъаналари кейинги давр адиблари ижодида янада бойитилди. Бу фикримизни истиқлол даври ўзбек адабиёти намуналарида мамлакат ободлиги, кўнгиллар шодлиги акс этган асарлар мисолида кўриб чиқамиз.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН

У кандай бўлиши керак? Оилага, хонадонга файз-баракот қаердан келади? Нега кексалар дуо қилганларида “Ум-римизга, ризкимизга, юртимизга Оллоҳ файз-баракот ато этсин!” деган иборани қўшадилар? Бу сўз одамлар табиатига ҳам нисбат берилади: “файзли одам, файзи бор йигит” ва ҳақозо таърифларни эшитганимизда беихтиёр ўша кишининг улуғворлиги, тийнатига хос муҳим фазилатлар кўз олдимизда намоён бўлади.

“Файз” сўзи арабча бўлиб, *“тўкилиш, ёйилиш; мўл-қўлчилик; саховат, мурувват”* сингари асосий маъноларидан ташқари *“барака, мўллик”* деган кўчма маъноларни ҳам англатади. Шунингдек, бу сўз ўзагидан *“файзбахш, файзиёб, файзли, файзсиз, файз-тароват, файз-футур, файз-ҳаловат, файз-баракот”* каби ўнлаб синоним сўзлар ҳам ясалганки, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг жўяли ёки ножўя, муҳит-вазиятнинг қулай ёхуд ноқулайлигини ифодалайди.

Андижонлик адиб Ҳабиб Сиддиқнинг “Файзли окшом” номли ҳикояси бор. Унда ота-она вафотидан кейин узок йиллар бир-бири билан кўришолмай юрган ака-укаларнинг дийдорлашув окшоми тасвирланган. Кенжа ўғил Ғолибжон рафикаси Солияхон билан маслаҳатлашиб, хонадонларига акалари ва опасини таклиф қилишган. “Бир палакда ҳар хил ҳамак деганларидек”, уч ака-ука уч хил тоифадан. Ғолибжоннинг “катта акаси мол-мулкка ҳирс қўйган, бой-бадавлат, лекин томса ялайдиган хасис”лардан. Ўртанча акаси “дурустгина илми бор, тақвода собит, ҳалол-харомнинг фаркига боради, ҳалқумини пок сақлайди”ган хунарманд одам. Ғолибжон шифокор. У ҳам отаси насиҳатларига қатъий амал қилган ҳолда ҳалол яшашга ўрганган. Биттагина опаси сал бошқачароқ чиқди. У шаҳарга ўқишга бориб, қутилмаганда уйига бола қучоқлаб келган андишасиз аёл. Сиртдан қараганда, бу тўртовлоннинг табиати бир-бирига мос

келмайди ва ўқувчи қандайдир ножўя вазиятни, нимадир портлашини кутади.

Аммо портлаш рўй бермайди. Бунинг сабаби эса хонадоннинг файзлигидир. Хўш, бу файз қандай деталларда аён бўлади? Мен Сизга ҳикояни бошдан охиригача айтиб ўтирмай-да, файз нимада эканлигини тўрт хил дунёқараш, тўрт хил саъжияга эга бўлган бир оила аъзоларининг нуктаи назари орқали айтиб бера қолай. Хонадонда ўтган бу файзли оқшомнинг боиси ҳовлидаги “Қийғос очилган гуллар, садарайҳонлар”нинг муаттар ҳиди ёки ҳовлининг “супуриб-сидирилгани, сув сепилган”дан кейинги орасталигида ҳам эмас. Балки “раҳматли ота-оналаридан қолган мўъжаз файзли ҳовлида яшаётган кенжа ўғил Ғолибжон ва Солияхонларнинг кечадан бери ажиб бир кайфият ила” меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўраётганидир. Кўпдан бери кўришмаган ака-ука ва сингилларни мархум ота-оналари руҳи кезиб юрган хонадонда қандайдир бир яқинлик, меҳр-оқибат туйғулари камраб олади. Улар бу хонадонда ўтган болалик кунларини, беғубор дамларни энтикиб эсладилар, ғам-ташвиш, тирикчилик муаммолари уларни бутунлай тарк этди. Ҳар бири ўзини қандайдир енгил сезди, бир-бирларига соғиниб тикилди, айбини юзига солмай, меҳрини нисор этди. Ҳикоя охирида катта акасининг тилидан айтилган мана бу сўзлар сизу бизга ҳам даҳлдордек таъсир қилади:

“—Раҳмат, ука. Муздеккина сувингдан қуй. Юрагим куйиб кетяпти. Бугун кўп нарсаларни англагандайман... кў-ўп нарсаларни... Хонадонингдан барака аримасин, ука. Ота-онамизнинг чироғини ёкиб ўтирибсан. Сенга раҳмат. Мендек бемехр акангни кечир, ука.”

Қаранг, ҳаддан зиёд мол-мулки, давлати бўла туриб, катта ака шу пайтгача ўз хонадонидан файз топмаган экан-да?! Демак, унинг уйи ҳашаматли, обод бўлса ҳам кўнгли обод эмас, нимадандир безовта бўлиб яшайди. Эҳтимол, ўртанча ака ва акасининг кўнглидан ҳам шундай фикрлар ўтгандир?

Хонадоннинг файзи энг аввало, аҳилликдадир. Одамзод (ака-укалигидан, кариндош-уруғлигидан қатъий назар!) бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлиши, бир-бирини йўқлаб, дардини олиб туриши лозим. Яна. Файзли хонадонда хушмуомалалик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Файзли хонадонга қалдирғоч, мусича сингари қушлар ҳам ин қуриб, бемалол кўпаядилар. Айниқса, қалдирғочларнинг тонг отмай туриб, “Валфажр” дуосини ўқиб, ушбу хонадонга файз-барака тилаши ниҳоятда ёқимлидир.

Инсон турмушининг обод, файзли бўлиши биринчи галда уй бекаси – аёлга боғлиқ. Чунки ака-ука, опа-сингилларни ковуштирадиган ҳам, улар орасига адоват уруғини сепиб, юзкўрмас қилиб юборадиган ҳам хотин кишидир. Шу маънода аёллар тимсоли сўнгги йилларда яратилган бадий асарларда фақат гўзаллик маъбудаси сифатида эмас, балки заҳарли аждаҳо, қутирган дев, ваҳший йўлбарс, айёр тулки, маккора коплон қиёфасида ҳам намоён бўлмоқда. Бундай пайтларда аёл зотини таниб бўлмаётган қолади. Унинг ярамас қилиқлари туфайли хонадондан файз-баракот, аҳиллик, бойлик юз ўтиради. Бугун топгани эртасига етмайди. Аёл нечоғлик ширин сўз, бағри кенг, меҳрибон бўлса, оила шунчалик фаровон, эр-хотин хотиржам, болалар одобли бўлади. Аксинча, хонадон бекаси шаллақи, бетгачопар, қаҳри қаттиқ, эрининг хурматини жойига қўймайдиган бўлса, бундай оиладан файз кетади, осойишталик юз ўтиради. Ана шундай икки хил аёллар ҳақида

Ўқиганларимдан бир лавҳа

Таниқли адиб Алиназар Эгамназаров қаламига мансуб “Оқила аёл шарофати” сарлавҳали мақоласининг (“ЎзАС”, 1.03.2013) “Икки аёл, икки хаёл” деб аталган бўлимида шундай воқеа ҳикоя қилинади. Қодиржон исмли бир йигит чойхонадаги ўтиришдан сўнг “эриб” кетиб, тўрт-бешта жўрасини кўярда-қўймай уйига бошлабди. Унинг илтимосини

кайтара олмай ҳовлига кирган ошналарини меҳмонхонага ўтказиб, хотинига: “Қани, хотин, ул-булинг бўлса олиб кел” дебди. Шунда хотини меҳмонлар олдида дабдурустдан: “Уйга меҳмон бошлаб келишни биласиз, рўзғорни тўкис қилиб қўйишни эса ўйламайсиз. Уйда бир мисқол ҳам ёғ қолмаган” дебди. Эр меҳмонлар олдида мулзам бўлибди. Ўтирганлар хижолатдан нима дейишни, қандай муомала қилишни билмай қолишибди. Хонага оғир жимлик чўкибди. Чиқиб кетайлик дейишса, кейин уйда жанжал қўзғалади. Номусига чи-долмаган эр хотинини ё уради ёки... Шунда улфатлардан бири ақллилик қилиб, ҳеч нарса эшитмагандек, латифа айтишни бошлабди, бошқаси уни аскияга улаб юборибди. Орадаги ғубор бироз кўтарилганидан кейин меҳмонлар ўринларидан туришибди.

Бу воқеани эшитган мўйсафид Раҳмонқул бува: “Аттанг, шундай ажойиб йигитнинг чеки бефаҳм аёлга тушган экан-да. Халқимизда шундай ҳикмат бор: *“Яхши хотин терини ултон, эрини султон қиладур. Ёмон хотин терини шалдиروق, эрини қалтиروق қиладур”*. Қодиржоннинг хотини эрини калтирок қиладиганлардан, яъни шохини букиб ер билан яксон қиладиганлардан экан-да” дебди. Кейин Раҳмонқул бува бошқа бир воқеани айтиб берди, –деб ёзади муаллиф. У урушнинг оғир йилларида колхоз раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган экан. Бир куни шу кишлоқда яшайдиган Мирзарайим отлиғ сал доли-ғули одам идорага бориб, раҳбарларга: “Сизларни Аъзамхўжа оқсоқол уйига таклиф қилди. Бугун бораркансизлар” дебди. Раҳбарлар хайрон бўлиб, бирор гапи бордир-да деб, оқсоқолниқига келишибди.

Оқсоқол уларни хушвақтлик билан кутиб олибди-ю, хайрон бўлибди. Уйга олиб кириб, дуойи фотиҳадан сўнг Раҳмонқул акани секин имлаб, ташқарига чиқибди ва: “Келинлар, сизларни қандай шамол учирди?” деб сўрабди. Шунда Раҳмонқул ака: “Мирзарайимдан айтиб юборган экансиз-ку” дебди. Гап нимадалигини тушунган оқсоқол: “Ҳа,

гап бу ёкда денг. Мирзарайим мендан “рахбарлар билан гаплашиб, Қўйлик бозори яқинидаги чойхонани менга олиб берсангиз” деб илтимос қилган эди. Мен унинг раъйини қайтармай, “Майли, уларни кўрсам айтарман” дедим. Мирзарайим бизларни тезроқ учраштиришни хоҳлабди-да. Майли, келганларингиз яхши бўлибди. Одам бор жойга одам келади. Лекин, Раҳмонкул ака, кадрдонимсиз, Сиздан яширадиган сирим йўқ, ҳозир аҳвол қандайлиги ўзингизга маълум. Меҳмонлар олдига қўйишга битта ноним ҳам йўқ-ку” дебди. Шу пайт суҳбатдан хабардор бўлган хотини секин ёнига келиб, “Ташвишланманг, дадаси, чорасини топамиз” деб кўнглини кўтарибди. Аёли бир пайтлар тузлаб куритилган озгина гўшт, қотирилган патир, эритилган думба ёғини сандиққа солиб, сақлаб қўйган экан. Бунини эшитган Аъзамхўжа оқсоқолнинг кўзидан ёш чиқиб кетибди ва оиласи обрўсини оширадиган хотинидан ғоят миннатдор бўлибди. Қаҳатчилик даври бўлса ҳам топганларини дастурхонга қўйиб, меҳмонларнинг кўнглини олишибди. Ҳикоя “Ақлли хотин бир кишининг нотўғри гапи билан кийин аҳволда қолган эрининг юзини ана шундай ёруғ қилган экан” деган ибратли сабоқ билан тугайди.

Кўрганларимдан бир лавҳа

Бир оилани танийман. Ота таниқли олим, зиёли. Дўст-биродарлари билан хуш муомала қиларди, бироқ ҳеч қачон уйига тақлиф этмасди. Бир куни навбатдаги учрашувда тўпланган курсдошлари: “Бир сенинг уйингни ҳам кўрайлик, оиланг билан танишайлик” деб туриб олишди. У ноилож меҳмонларни ҳовлисига олиб борди. Одатга кўра, дастлаб ўзи уйига кириб, оила аъзоларини оғоҳлантириб чиқди. Курсдошлар бироз кўчада туриб, кейин ҳовлига киришди. Ҳовли бесаранжом, бир неча кундан бери супурги кўрмаган. Сўридаги тўшакларни чанг босиб кетган, гўё ёзилгандан буён тозаланмагандек моғор босиб кетибди. Уй бекаси

кўринмасди. Меҳмонлар қаерга ўтиришни, нима дейишни билмасдилар. Шунда бири дархол сўридаги тўшакларни тўғрилаб ёзди-да, “Ўртоғимиз уйини ремонт қиляпти шекилли. Қани ўтиринглар, дўстлар, бир фотиҳа қилайлик” деди. Ўтирдик, фотиҳа қилдик. Дўстимиз яна бир марта уйга кириб чиқди. У ердан ғовур-ғувур овоз эшитилгандек бўлди. Хотини яна кўринмади. Унинг ичкарида эканлиги аниқ эди. Мулзам бўлган хонадон эгаси: “Кечирасизлар, хамир қилаётган экан. Ҳозир чиқиб қолади” деб ғудирлади. Сездикки, хотини бевақт меҳмон олиб келганлиги учун эрини “тузлаган”. Хижолат бўлган меҳмонлар шартта ўрнидан туришди-да, ташқарига чиқишди. Йўл-йўлакай бу ҳолат муҳокама қилинди. “Мен хотинини деразадан қараганини кўрдим” деди бири. “Мен ҳам қўлини пахса қилиб эрига бир нималар деганини ҳам кўрдим” деди бошқаси. Курсдошларнинг бири оқласа, бошқаси қораларди. Шунда биттаси: “Оғайнилар, кетдик бизникига. Хотин қанақалигини кўрсатиб қўяман” деди-да, уйга бошлади. У пайтда қўл телефони урф бўлмаган, уйдагиларни огоҳлантирмай шом қоронғисида ҳовлига кириб келдилар. Шунда курсдошлардан бири оғайнисига: “Уйингга кириб айтиб қўй. Тагин сеникидан ҳам...” деб писанда қилди. Дўсти эса: “Бизда унақа айтилмайди. Баравар кираверамиз. Қани, юринглар” деб, меҳмонларни ҳовлига бошлади. Дарвозадан кириб оқ “Аяси, қаердасиз? Меҳмон олиб келдим” деб овоз берди. Шунда уйдан тўлагина бир аёл чиқди. У меҳмонларнинг ҳар бири билан алоҳида кўришди, уларнинг оила аъзоларини сўради. Ўтиришга таклиф қилди. Соябонли сўрида жой тайёр экан. Ўтириб, фотиҳа қилишлари билан аёл чойнак-пиёла кўтариб келди-да, “Хуш келибсизлар! Сизлар бир пиёладан чой ичиб туринглар. Мен ҳозир...” дея қўлини кўксига қўйганича, орқаси билан юриб кетди.

Энди бу ёғини айтмасам ҳам тушунарлидир. Фақат хонадон соҳибининг курсдошлари олдида кўксини кериб, гердайиб ўтирганини қўшиб қўймасам бўлмас...

Гувоҳ бўлганларимдан бир лавҳа

Аёлнинг яхши хулқи ҳақида гап кетганда яна бир воқеани айтиб ўтишни лозим топдим. Битта машинада тўрт киши сайрга чиқдик. Турар-жойларимиз турли ҳудудларда бўлганлигидан ҳар биримизнинг ҳовлимизга кириб чиқишни келишиб олдик. Дастлаб йўл-йўлакай танишларимизнинг тўйларига кириб муборакбод қилдик. Кейин бир оғайнимиз уйига таклиф қилди. Обод кишлоқлардан бирига кириб бордик. Биродаримизнинг уйи кишлоқнинг четроғида – янги қурилаётган ҳовлилар қаторида экан. Барча ҳовлиларнинг рўпарасида шағал, тош, кум, ғиштлар уйилиб ётибди. Кўплаб уйлардан “так-туқ” товушлари, усталарнинг “Ҳа, бўл! Менга узат!” деган овозлари эшитилади.

Дўстимизнинг уйида келин билан онахон суҳбатлашиб ўтирган экан. Келин дарҳол айвонга жой қилди. Онамиз билан кўришгач, оҳорли, юмшок тўшакларга ўтирдик. Йўқ деганимизга қарамай бирпасда дастурхон ёзилиб, нону қанд-курс ва мевалар қўйилди, чой олиб келинди. Уй бекаси таомга уннаш учун ошхонага йўналганда биримиз тезроқ туришимиз кераклигини айтиб, тўхтатдик. Шунда... Келиннинг оёқ кийимларимиз ечилган жойда ўтириб, эрининг туфлисини артаётганига кўзим тушди. Дарҳол хаёлимга биродаримнинг аёли “Дўст бошга, душман оёққа қарашини билар экан-да” деган ўй келди. Мабодо, қолган меҳмонларнинг оёқ кийимларини ҳам артиб қўйганида уй бекасининг ақл-фаросатига тан бермай иложимиз йўқ эди. Бироқ унинг эрига бўлган меҳри ва ҳурмати ҳам кўнглимизни обод қилди. Демак, у ҳар куни эрининг кийимларини ўзи тайёрлаб қўяди. Эрининг кўнгли тоғдек кўтарилади, кечгача кайфияти аъло юради, юзидан кулгу аримайди, иши унумли бўлади.

Яна ўқиганларимдан бир шингил

Аёл ифбатли, ҳаёли, андишали бўлиши шарт. Ифбат нафсни тийиш, бузук ишлардан ўзни сақламоқликдир. Ифбат аёллар учун *“олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдур”* деб ёзади улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний ўзининг *“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”* асарида. Қизларга нисбатан ифбатини бой берди дегани қизлик шаънидан, номусидан жудо бўлишига ишорадир. Лукмони ҳаким: *“Ифбат номуснинг энг маҳкам суянчигидир. Нафснинг ҳужумига шул қувват ила муқобала қилинур”* деб бежиз айтмаган. Афлотун эса: *“Ифбат хотундан (ҳам кўра) кўпроқ эрларга яраштургон бир сифатдур. Хотуннинг иффати адаб ва номусини сақловдир. Эрларнинг иффати (эса) бутун инсоният адабларига шомил (дахлдор)дур. Ифбатсиз инсон ялонгоч жасад кабидир”* дейди.

Ифбат билан ҳаё бир-бирисиз яшолмайдиган эгизаклардир. Ҳаё билан ифбат одамзоднинг худди кўзу қошидек, икки лабидек ҳар доим ёнма-ён туради. Абдулла Авлоний айтганидек: *“Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир”*. Ҳаёнинг либоси нечоғлик пишиқ бўлса, ифбатнинг пардаси шунчалик маҳкам ва сира йиртилмайдиган бўлади. Агар уларнинг биттаси бузилса, иккинчиси мажруҳ бўлади. Ҳаё дилни равшан, кўнгилни покиза қиладиган нур бўлса, ифбат унинг атрофида айланувчи парвона мисолидир. Чин инсон ҳар доим ана шу нурнинг ёруғи ва ҳароратига, парвонанинг садоқатига муҳтож бўлиб яшайди. Ибн Сино айтганидек: *“Инсонда доим турадургон ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур”*. Айрим шаллақи, беандиша аёлларга нисбатан “беҳаё” дейиш уларнинг юзсизлигига ишорадир.

Энди ана шу икки тоифадаги (балки кўпроқдир?) аёлларнинг бадий асарларда яратилган тимсоллари таҳлилига тўхталайлик.

МЕҲРЛИ АЁЛЛАР МАДҲИ

Адабиёт пайдо бўлгандан буён аёлни куйлаб келади. Унинг гўзаллиги, нозу ишваси, жабру жафоси адабиётнинг бош мавзуси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида аёлнинг ижтимоий ва маиший ҳаётдаги ўрнини аниқлашга эътибор ниҳоятда кучайди. Аёл ким бўлишидан қатъий назар биринчи галда, она эканлигига, оиласи – қайнота-қайнонаси, эри, болалари олдида жавобгар шахс бўлиши лозимлигига урғу берила бошланди. Эсингизда бўлса, шўролар даврида яратилган асарларда раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган аёллар уйдагиларини ҳам хизматкор деб ҳисоблар, уларни назар-писанд қилмас, хоҳласа, жавобини бериб юбораверарди. Улар ўша даврда ҳукмронлик қилган партия ва шўро ҳукуматининг роботлари сифатида ҳаракат қиларди. Истиқлол маънавияти бундай қарашларга чек қўйди. Энди аёл зотига аввало, она деб қараш қонуниятга айланди. Айни чоғда ҳар қандай аёл ҳам яхши она бўлолмаслиги мумкин. Адабиёт ана шу тоифадаги аёллар образини яратиш билан халқимизни огоҳлантириб турувчи қўнғироқдир.

Таниқли ёзувчи Кўчкор Норқобил “Бу ерларда ҳаёт бошқача” сарлавҳали ҳикояси (“Ёшлик” *журнали*, 2012 йил 10-сон)да ана шундай аёллардан икки хилининг тиник образини яратади. Бири “ёши ҳам саксонга сабоқ бериб, игнага ип ўтказолмай қолганига анча бўлган, лекин ўзи анча тетик”, гумбурлаган овозда гапирадиган, шунга кўра “Гулдурак момо” деб ном олган Тошбуви кампирдир. У бир куни ўзидан ҳам ёши ўтган, аммо “оқ аралаш ўсик кошини чимириб” турадиган, кўлидан кетмони-ю ўроғини, тилидан шахдам гапларини ташламаган чолига бир неча вақтдан бери юрагини чангаллаб юрган дардини айтади. Момонинг ташвиши шу куннинг энг оғрикли, айтиш жоиз бўлса, энг бардамалаб кетаётган иллоти – ота-оналар билан фарзандларнинг бир-биридан узоқлашиб кетаётгани, орада

меҳр-оқибатнинг барҳам топаётганидир. Унинг куйиниб, йиғлаб айтишича, ҳозир *“болаларимиздан узоқлашиб бораётгандаймиз. Болалар бизданми, биз болаларданми узилиб боряпмиз. Бир бизамас, бошқа тенгқурларимиз ҳам шундайга ўхшайди... Шундан кўрқишимиз керак, бовоси, шунга йиғлашимиз керак, бовоси...”*

Момонинг бу ўкинчи замирида катта ҳақиқат ётибди. Чиндан ҳам сўнгги йилларда кексалар билан ёшлар ўртасидаги узилиш яққол кўзга ташланяпти. Ўғиллар оила қургач, тезроқ алоҳида яшашни истаб қолади. Кўчиб кетгач, кейин худди қафасдан қутилган қушдек ота-онадан хабар олмайди. Бунда хотиннинг роли катта эканлигини ҳам унутмаслик керак. Ҳикояда тасвирланишича, кампирининг гапи чолни ташвишга солди. Чиндан ҳам уч ўғил, икки қиз нега улардан хабар олмай қўйишди? Қизлари-ку, бировнинг хасми, қўшгани билан қўшақариб, тинч-омон ўтирса бўлди. Лекин ўғиллар-чи? Уч ёққа сочилган уч ўғилдан ойда-йилда дарак бўлмайди-я.

Шундай қилиб, чол-кампир катта ўғилдан хабар олиб келиш учун Тошкентга жўнашди. Поезддан тонг саҳарда тушиб, ўғилникига равона бўлишди. Улар “тепасига қизил қалпоқ монанд устама ўрнатилган, баланд девор билан ўралган дабдабали қаср” олдига келишиб, “девордан икки қулоч баланд келадиган қалин зирҳли улкан дарвоза”нинг кўнғироғини босишди. Хийла вақтдан кейин “кўз-қовоғи шишинқираб, оқ оралаган сочи тўзғин, майкачан, тиззаиштон кийиб олган ўғли Турдиқул” кичик эшигини очди. Маълум бўлишича, эр-хотин ҳали уйқудан туришмаган экан. Ота-она боласини соғинганидан ялаб-юлқалаб, бағрига босиб, “болам, болажоним, улим” сингари меҳр томиб турган сўзлар билан кўришсалар, Турдиқул куруққина қилиб “Яхшиман, ўзингиз яхшимисиз? Келинлар, келинг... Эй, ота, яхши кел-дингизми?”дан бошқа кўнгил сўрамади.

Турдикулнинг ҳовлиси ниҳоятда обод, кенг-мўл. “Бутун ҳовли сатҳига ям-яшил чим ётқизилган. Яшил майдоннинг коқ ўртасида фаввора шарқираб сув отяпти, теварагида турли-туман гуллар барқ урган. Берирокда мраммар ҳовуз, суви килқиллаб турибди. Унинг ёнида усти чиройли, рангли елимбўз билан ёпилган войишайвон. Ок, кўк, кизил рангли пластмасса стол-стуллар ўрнатилган”. Кечикиброк чикқан келин қайнота-қайнона билан омонатгина кўришиб, нонушта тайёрлади. Дастурхон тўкис, турли хил ноз-неъматга тўлди. Лекин гап қовушавермади. Қариялар бунақа хашаматли уй-жойни биринчи бор кўрганликлари боис ханг-манг, ўғил билан келин сир бой бергиси келмайди. Охири ота ўғлига қараб: “Ҳовли-жойнинг кенг-кенгиш экан, буни қара-я, худди кинодагидай” дейди. Турдикул гўё шундай бўлиши керакдек, “Ҳа, энди, ота, ҳовли-да бу, ҳовли!” дейдики, бу иборанинг замирида ҳаддан зиёд мақтаниш, ғурур, “Сизлар ҳам бир ипирисқи ҳовлида яшаб ўтдиларинг-да! Ҳовли дегани мана бунақа бўлади” деган писанда ётади. Булар ана шу уй-жойига, хашамга маҳлиё бўлиб, ота-она, қариндош-уруғ, ҳамқишлоқларига нисбатан оқибатни бутунлай унутган. Турдикулнинг бемехрлиги онасининг қишлоққа бориб, оламдан ўтганларга фотиҳа қилиб келинлар, отасининг бир қариндошлари шу шаҳарда анчадан бери касалхонада ётганлигини айтиб, хабар олиб кўйишини сўраганида бепарвогина, “Иш кўп-да, ишим кўп” деган жавобидан англашилади. Боз устига у укаларига ёрдам бериш у ёкда турсин, бир оғиз сўраб ҳам кўймади.

Кўринадики, ортиқча бойлик ва хашаматга берилиш Турдикул билан хотинининг кўзини кўр, қулоғини қар, қалбини қоронғу қилиб кўйган. Уйи обод бу кимсаларнинг кўнгли обод ва хотиржам эмас. Шунинг учун ҳам ҳовлисини кўриқлаш ниятида эшақдек ит боқади, итга қарайдиган махсус хизматкор асрайди. Чол-камбир бу обод, кўркам

ҳовлига сиғмай қолдилар ва бир кечада зерикишди-да, “эрталаб тонгда кетамиз”га тушиб қолишди.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам “Шабда” ҳикояси (“ЎзАС”, 14.12.2012)да оиланинг мустаҳкамлиги ва ободлиги ҳашамат ёки бойликда эмас, балки меҳр-окибатда, вафо ва садоқатдадир деган ғояни илгари суради. Унда тадбиркорлиги туфайли бой-бадавлат бўлиб кетган Комрон исмли йигит икки қаватдан иборат ниҳоятда ҳашаматли ҳовли-жой куради. У уйланиб, иккита фарзанд кўрган, бироқ энди мана бу қасрда янги топган маъшуқаси “сутга чайиб олган”дек оппоқ, исми жисмига мос Нозикой билан яшашни истаб, эски оиласини ҳайдаб юборади. Шундан сўнг бу уйда таҳликали ҳаёт бошланади. Хонадонда янги эр-хотинни туни билан қора шарпалар безовта қила бошлайди. Бунинг сабаби Комроннинг шаръий оиласига хиёнат қилиб, ўйнашини уйга олиб келганлигидир. Бу ҳақда онаси ҳам, тоғаси ҳам кўнгил кўчасига юриб, оиласини бузиши Комронни ёмон окибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирган эдилар. Аммо Комрон на онасининг, на тоғасининг гапларини инobatга олмади. Натижада иши ҳам юришмай қолди, Нозикой бола ташлади. Қўрқок бўлиб қолди. Кунларнинг бирида электр чойнак портлаб кетди. Охири бу ҳашаматли ҳовли электр ёнмаган кунларнинг бирида ўз-ўзидан ёниб, кулга айланади. Комроннинг онаси Раҳима ая билан тоғаси нутқи орқали илгари сурилган “гулдек оиланинг бузилиши аршни ларзага” келтиради деган фикр ўқувчини ҳам хушёр торттиради. Бундан сақланиш учун инсон ҳалол яшаши шарт. Буни тушунмаган, тушунишни истамаган Комроннинг “чиройли уйдаги машамшаларнинг бари ўша ларзанинг шабадаси” эди, ҳолос.

Машҳур адиб Шекспирнинг “Қизнинг бутун бойлиги унинг номусидир, у ҳар қандай меросдан ҳам қадрлироқ” деган сўзлари эпиграф қилиб олинган Баҳодир Худойбергановнинг “Аёл армони” романи (Т., “Ўзбекистон”, 2012) ҳам уч аёлнинг қисмати ҳақидадир. Роман воқеалари

олий ўқув юртини биргаликда тамомлаган уч дугона Фарангиз, Шахло, Турсунойларнинг 25 йилдан кейин тасодифан учрашиб қолишлари билан бошланади. Романнинг уч бўлими ҳар бирининг тақдири ҳақидаги хикоясини ўз ичига олади. Учовлоннинг ҳаёти ҳам ўқувчига сабоқ бера олади. Масалан, Турсуной иродасизлиги туфайли талабалик йилларида курсдоши Ўктамнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, номусини бой бериб қўяди. Ўктам унга уйланишни истамагандан сўнг ўзини ўлдирмоқчи бўлади. Бирок тасодифан бир кекса отахон уни кутқариб, уйига олиб кетади. Турсуной қишлоғига қайтмай чол-кампир билан яшай бошлайди ва шу ерга келиб қолган Мадаминжонга турмушга чиқади. Икки бола кўради, аммо кейин Мадамин кўнгли совиб уни ташлаб кетади. Шундан кейин у сабр-тоқат билан яшаб, болаларини вояга етказади. Нурмуҳаммад ота ва кампирнинг дуосини олади.

Шаҳлонинг қисмати бундан-да калтисрок. Мактабда ишлаб юрган киз Қўлдошали деган йигит билан танишади. Қўлдошали Туркияга бориб ишлаш орзусида эканлигини айтиб, кизни шерик бўлишга ундайди, бойликка қизиктиради. Ваъдаларига ишонган Шахло Қўлдошали билан Москвага бориб, одамфурушларнинг қўлига тушади. Номусини бой бериб, Туркияга сотиб юборилади ва бу ерда бир неча йил фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур бўлади. Охири бир инсофли одамнинг кўнглини овлаб, юртига қайтишга муваффақ бўлади. Энди зинҳор-базинҳор бу кўчадан юрмасликка онт ичади.

Булар орасида энг тўғри йўлни танлаган аёл Фарангиз бўлиб чиқади. У турмушга чикқан хонадонда тош келса кемириб, сув келса симириб, овсинларининг инжиқликлари, тухматларига чидаб бахт ва бойликка эришади. Ёзувчи бу аёлларнинг чалкаш ёки бахтли қисматида оналарнинг ўрни борлигига алоҳида урғу беради. Турсунойнинг онаси болаларига бепарво, уларни ўз холига ташлаб қўйган бўлса, Шаҳлонинг онаси Нафиса қизларини “эрининг бурнидан ип

ўтказиб юриш” машқига ўргатади. Бунинг устига бойликка ўч аёл қизининг кўпроқ пул топиш учун чет элга бориши ҳақидаги режасини дарров қўллаб-қувватлайди. Қарши чиққан эрини эса бир ҳамла билан тинчитади. Фарангизнинг ота-онаси ўқитувчи бўлганликлари туфайли қизини сабр-тоқатли, меҳнатсевар, бошқаларни иззат-ҳурмат қиладиган руҳда тарбиялайдилар. Қизи оиласидаги жанжаллардан шикоят қилиб келганида ота-онаси Мирзамурод ака билан Саодатхонлар ҳар доим панд-насихат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб қайтариб юборадилар. Натижада Фарангиз нафақат алоҳида ҳовли-жойли бўлди, балки қайнота-қайнонасининг дуосини олиб, овсинларининг меҳр-муҳаббатини қозонди. Маълум бўлдики, кизлар тарбиясида она ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи керак.

Бунинг учун аёл оилада ширин муомаласи, хулқи, гап-сўзи билан ибрат кўрсатиши зарур. Болаларининг олдида эрига гап қайтариб, уни назар-писанд қилмай турса, ундан ўрнак олган қизи эртага ўз оиласида гегемонликни қўлга олишга уринади. Бундай қилиқларга чидай олмаган эркак оиладан воз кечади. Турмушдан фэйз-баракотнинг кўтарилиши, оила аъзоларининг кўнгил ғашлиги шундан бошланади. Гулноза Эрназарова ўзининг “Эркак” деб номланган ҳикоясида (*“Шарқ юлдузи”, 2013 йил 2-сон*) ана шундай аёлнинг қилмишлари туфайли дили оғриган эркакнинг руҳий ҳолатини ишонарли тасвирлайди. Адиба ўз шаллақилиги, юзсизлиги билан оила иморатини барбод, хонадонини вайрон қиладиган жинсдошларини инсофга чакиради. Бу аёл неча вақтдан буён бетоб ётган эрига қараш, унинг кўнглини олиш ўрнига кўпроқ шанғиллаб, жонига тегади, бездиради. “Хотинининг шанғиллаши лўққиллаётган бошига гурзи билан ургандек” таъсир қиладди. Аёл фақат эрига эмас, балки келини, ўғлига ҳам бирдек захрини сочади. Натижада уйдан ҳаловат, осойишталик кўтарилади. Бу хонадонда ҳеч кимнинг тургиси келмай қолади. Бетоб эр ҳам инқиллаб турганича кўчага отланади ва ёшлигида севгани

Зулфияни эслаб, уни ахтариб “Чаман” шаҳрига йўл олади. Лекин ҳикоя айрилиқ билан тугамайди. Муаллиф эркакнинг оиласи, фарзандлари олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ўткинчи ҳис-туйғулардан кучлироқ эканлигига урғу беради.

Ўзбек адабиётида кўнгил ободлигининг турли кир-раларини акс эттирадиган бундай асарларни кўплаб келтириш мумкин. Юқорида келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам адабиётимиз турмушни обод қилиш учун энг аввал инсон кўнглини обод қилиш муҳимроқ эканлигини исботлашга уринаётгани ва бу шарафли вазифанинг устидан чиқаётганига ишончимизни мустаҳкамлайди.

АЁЛЛАР “МАКРИ”

Хурматли ўқувчи! Энди ақл-фаросати бутун, оиласини хурмат қиладиган, ака-укаларни бирлаштириш, аҳиллик ўрнатиш йўлида ибратли тадбирларни амалга оширишга қодир бўлган ўзбек аёлининг фазилатини тараннум этувчи балладамни эътиборингизга ҳавола этаман. Уни ўқиб, аёл зотининг зукколиги, овсинлару келинлари, кўни-кўшилари билан ақл-иноқ яшашга уриниши эркак кишининг умрини узоқ, ишини баракали, турмушини обод қилувчи омил бўла олишига ишонч ҳосил қиласиз.

Ровийларнинг ривояти
Бўлди Йўлдош ҳикояти.
Диккат билан тинглагайсиз,
Ҳаргиз зарар қилмагайсиз.

Бир бор экан, бир йўк экан,
Ҳам оч экан, ҳам тўқ экан.
Ўтмиш эмас, шу замонда,
Узоқ эмас, биз томонда,
Булоқбоши қишлоғида,
Соф табиат кучоғида –
Чолу кампир яшашаркан,
Етти ўғлон боқишаркан...
Қашшок бўлса ҳамки, лекин –
Топмас эканлар текин.
Сўзлари бол, шакар экан,
Ёлғон гапга кўр, кар экан.
Эр-хотин кўш ҳўкиз бўлиб,
Аҳил яшаб, кучга тўлиб,
Еттовини етаклашиб,
Топганларин уйга ташиб,
Борларини оширишиб,
Камчилигин яширишиб,

Тарбиялаб қаноатда,
Дея “Омад, бахт - меҳнатда”,
Эл сафига қўшишибди,
“Тўғри бўл!” деб шипшишибди.
Оз еса-да, қўп тинглашиб,
Яшамоқ сирин англашиб,
Фарзандлари соғлом, дуркун,
Вояга етишиб бир кун,
Еттовлон етук бўлиб,
Бир қўлу бир этик бўлиб,
Йўқни йўндирибдилар,
Ишни дўндирибдилар.
Заминга бош эгганларни,
Ерни она деганларни,
Оллоҳ қолдирмас доғда.
Улар ишлаган чорбоғда,
Қовун, тарвуз, сабзи, пиёз,
Мева-чева кутгандан соз,
Мўл-қўл ҳосил етишибди,
Ҳам муродга етишибди.
Бойлик ортиб кундан-кун
Рўзгор бўлибди тўкин.
Топганимга тўй қилай деб,
Катта ўғлимни уйлай деб,
Оқил, гўзал келин излаб,
Чолу-кампир гиз-гизлаб,
Қўшни кишлоққа чопиб,
Доно, камтар қиз топиб,
Бош ўғлини уйлашибди,
Кўнгилларин хушлашибди.
Сўнг яшабдилар шод,
Оллоҳдан кутиб имдод.
Куёв-келин бахтиёр,
Ота-онага дастёр.
Ака-укалар яксўз,

Бири кошу, бири кўз,
Рўзгор бут бўлаверди,
Хазина тўлаверди.

* * *

Қазо экан,
Бир кун келиб,
Ажал гармсели елиб,
Аввал чоли, кейин кампир
Дунёни тарк этиб бир-бир
Уйни ташлаб кетишибди,
Дилни ғашлаб кетишибди.
Катта ака, келин оий
Ота-онадек бинойи
Укаларин бошқарибди,
Уйлаб-жойлаб, хўб қарабди.
Аҳил етти ака-ука
Бир-бирин кўтариб кўкка,
Овсинлар опа-сингилдек,
Илдизи бир атиргулдек,
Тотув-иноқ яшашибди,
Ғанимлар бош қашлашибди.

* * *

Ака бир кун кўксин кериб,
Хотинига кўнгли эриб,
Ўзин кўяр жой тополмай,
Қувончини яширолмай,
Ғурур таомини ебди,
Аёлига шундай дебди:
—Кўриб қўй, хой, бизлар қандок,
Ишлар бўлибди-да мундок!
Оиламиз хўб иноқ-да,
Низо-жанжалдан йироқда.
Бўлиб еймиз бир майизни,
Йўлатмаймиз кин-ғализни.
Қозонимиз, жойимиз бир,

Еяр-ичар чойимиз бир.
Укаларим мўмин, қобил,
Амрим қилишар қабул.
Рўзғор деган шундок бўпти,
Қаердаки жанжал кўпти –
Қут-барака учар экан,
Қашшоқлик уйни кучаркан.
Булар бари мен туфайли,
Маҳкам бўлса от айили –
Узокрокка кетади,
Маррага тез етади.
Хуллас, чавандозман зўр,
Эй, хотин, сен тан бериб тур!
Аёл бироз тортиниб,
Одоб сақлаб, қимтиниб
Дер:
–Қарсак ҳам икки кўлдан,
Гоҳо ўнгу гоҳо сўлдан.
Токи бизлар тирикмиз,
Аҳилликка шерикмиз.
Иғво, жанжалнинг йўқлиги,
Эркакнинг кўнгли тўқлиги,
Аввало аёллардан,
Қўли, тили боллардан.
Иноқлик тушови бизда,
Чикмасин эсингиздан.
Эр-чи, рўйхуш бермабди,
Уни жеркиб тергабди:
–Э, қўйсанг-чи, жаврама,
Илон бўлиб аврама,
Анов сойдек тўлсанг ҳам,
Ўнтанг битта бўлсанг ҳам,
Арзимаисан чақага,
Тағин ўхшаб бақага
Вақилламай юринглар,

Тан бериб, жим турунлар!

Хотин мулзам бўлибди,
“Хап, сизними?” деб қўйибди.

Ухлолмабди ўша кун,
Режа тузиб бутун тун.
Эрталаб овсинларин –
Хотинлар, келинларин
Овлок жойга тўплабди,
Ҳийла майин ҳўплабди:
–Овсинжонлар, келинлар,

Бир фикрга келинлар.
Эрлар билсин қадримиз,
Ўтсин десак амримиз,
Битта ўйин ўйнайлик,
Жанжал қўзғаб қўяйлик.
Аҳилликнинг ипи бизда,
Уй тизгини қўлимизда
Эканин кўрсатайлик,
Эрга таъсир этайлик.
Гапни қўйишиб бир жойга,
Ўйнашиб ким ўзар пойга,
Дилга жо килиб тадбир,
Тарқалибдилар бир-бир...

Эрнинг аклин ўғирлаб,
Мақсад нишин тўғрилаб,
Ҳар куни жаврабдилар,
Эрларин аврабдилар.
Айниқса, катта хотин
Маъюс олиб чуқур тин,
Ғавғо ипин чулғабди,
Гап қудуғин кавлабди:
–Чумолидек тинмайсиз,
Дам олишга кўнмайсиз.

Хачир отдай ишлайсиз,
Оғир юкдан кишнайсиз.
Топганингиз шуларники,
Улар буни билармикин?
Сиздан кичик-ку, анов
Мўйлов укангиз – асов.
Болаларга ҳеч меҳри йўқ,
Сал нарсага уради дўқ.
Кек саклайди у доим.
Кеча оқшом кенжатоим
Битта қанд олай дея
Қўл узатса, олайди-я!
Эртасига яна бирин
Очиб ташлайди “сирин”:
– Бизлар нима анойими,
Яна бири ановими?
Гўшт бўлганда қизингизга
Суяк отди.
Бу сиз, бизга
Боланг кучук деганими?
Татимади ҳеч еганим...
Шундай ҳар кун қулоғига
Қуйиб кўнгил булоғига
Иғво солиб, ахлат отди,
Эр дилида ғашлик ортди.

* * *

Охир ака ўзин чоғлаб,
Жанжал камарини боғлаб,
Укаларин чақирибди,
Уларга хўб бақирибди.
Ота ўрнида бўлгани,
Улар деб бел букилгани,
Ўзи емай, едиргани,
Уй-жой куриб бергани
Қолмай, барин тўкиб сопти,

Укаларин сўкиб қопти.
Тинглаб олти биродар,
Шовқин сопти баробар:
–Э, ўзингизга боқинг, ака,
Юрагимиз така-пука
Бўлиб, сизга айтолмаймиз,
Энди айтмай кетолмаймиз.
Ҳар бири ҳам топган-тутган,
Хотинидан ичга ютган
Гапни ташлар ўртага...
Хотинлар-чи, жўрттага
Бир чеккада туришибди,
Ёлғондан оқ уришибди.
Бироқ энди қарашсаки,
Тугамас сўз – тарсаки.
Жанг тўлкини авж олиб,
Бораётир мавж олиб.
Давом этса-чи, бу шумлик
Рўй берар бир машъумлик.
Бошлаб катта хотиндан
Жилмайишиб ботиндан,
Бир-бир қўлин ушлашиб,
Кўнгилларин хушлашиб,
Ўртага чиқибдилар,
Низога чек қўйибдилар:
–Ҳа, қалайсиз, эрмаклар,
Бўлдингиз-ку эрмаклар!
Дейсиз: аҳил, иноқмиз,
Биз кавласак – чатоқсиз.
Ҳолингиз кўрдингизми?
Энди тан бердингизми?
Сиз-ку бир ота-онадан
туғилиб, бир хонада
ўсганликдан аҳиллик –
одат, ётдир бахиллик.

Биз-чи?

Ҳар хил донамиз,
етти ёт бегонамиз.

Сизларни иззат қилиб,
Уйни муқаддас билиб,
Бир-биримизни тергаб,
Кимки бўлса майдагап,
Танобини тортиб турдик,
Аҳиллик қасрин курдик.
Лек қадримиз билмадингиз,
Назарга илмадингиз.
Мана, охир оқибат
Оралади қабоҳат.
Булар бизнинг ишимиз,
Узлуксиз ғиш-ғишимиз.

* * *

Баҳс тугуни ечилиб,
Эрлар оғзи очилиб,
Тан бериб хотинларга,
Оқилу отинларга
Тарқабдилар мулзам, жим.
Яна аҳиллик ҳоким
бўлиб, рўзгор гуллабди,
бахт, омадга йўллабди.
Топганлари ўртада,
Ғаш, низо бўлиб зада,
Узоқлашиб кетибди,
Бу уйни тарк этибди.
Эркаклар ўша-ўша,
Ишлашиб қўша-қўша,
Аёлларга бериб тан
Яшайверибди яктан...

* * *

Ровийларнинг ривояти
Бўлди Йўлдош ҳикояти.

Ўтмишми, шу замонда,
Аёллар бор маконда,
Тили бол бўлса агар,
Ақли зол бўлса агар,
Иноқлик ғунча очар,
Бундай уйдан кек қочар.
Яхши аёл бахтимиз,
Ҳам подшолик тахтимиз.
Уйимизнинг чироғи деб,
Ташналигим булоғи деб –
Қўл кўтаринг баробар:
Омин, Оллоҳу акбар!

МУНДАРИЖА

М у к а д д и м а	3
Маънавиятимиз асослари.....	10
Юрт обод – кўнгиллар шод.....	16
Ошинг ҳалол бўлса.....	23
Устоз ва шогирд одоби.....	31
Бадий адабиётда обод турмуш талқини	41
Файзли хонадон	47
Меҳрли аёллар мадҳи.....	55
Аёллар "мақри"	61

3000 сўра.

Адабий-бадий, публицистик нашр

Йўлдош Солижонов

**ВАТАН ОЗОД, ТУРМУШ ОБОД,
КЎНГИЛЛАРШОД**

Мақолалар, ибратли ҳикоялар, лавҳалар

Муҳаррир: А. Содиқов

Тех. муҳаррир: Н. Ҳошимов

Дизайнер: М. Ҳошимов

Нашриёт лицензияси: А.І.№ 162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 02.05.2013. Босишга рухсат этилди:
21.06.2013. Бичими: 60x84 ¹/₁₆. Офсет усули. Гарнитураси
«Times New Roman». Нашриёт босма табағи 4,5. Шартли
босма табағи 5,25. Адади: 1000 дона.

Буюртма № 194

«Фарғона» нашриёти
Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО'НИ-NUR» МЧЖ босмахонаси.
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.